

МУМИН ҚАНОАТ  
ЭЪТИҚОДИМ

*Шеърлар, дostonлар*

---



ТОШКЕНТ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

Редколлегия

Б. Бойқобилов, И. Ғафуров, Ҳамид Ғулом, З. И. Есенбоев, В. И. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўшжонов, Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Файзий, П. Шермуҳамедов, О. Ёқубов, К. Яшин (редколлегия раҳбари).

Тўпловчи МУКАРРАМА ҒАФФОРОВА

Қаноат, Мўмин.

Эътиқодим: Шеърлар, дostonлар. / Редкол.: Б. Бойқобилов ва бошқ.; Тўпловчи М. Ғаффорова.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 132 б.— (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари шеърляти.)

Ташкил тожик шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Мўмин Қаноатнинг ўзбек китобхоналарига яхши таниш. Унинг бир қанча шеърлари, дostonларидан парчалар таржима қилиниб тўпламларда, газета ва журналларда босилиб чиққан.

Шоирнинг ўзбек тилида бeривчи марта мукамалроқ тўплам ҳoлда нашр этилаётган шеър ва дostonлари китобхоналаримизга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Қаноатов, Мумин. Наша правда. Стихи, поэмы.

С(Тад)

К  $\frac{70403-182}{М 352 (04)-81}$  121—81 4702050020

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 (тарж.)

## СУЗ БОШИ УРНИДА

Сталинград мудофаасини қалъажанг дейдилар. Аммо Сталинград қалъа эмас ва унинг исқандар девори ҳам йўқ эди, балки одамлари осойишта ҳаёт кечирар ва ишлар эди. Бу ернинг ягона девори инсон руҳи эди, холос.

Сталинграднинг икки юз кунлик курашини икки минг йиллик тарих кўрмаган. Бу шаҳарни қўлга киритмоқ учун бир ярим миллион душман аскарлари тиш-тирноғи билан ёпишган эди. Сталинграднинг ҳар бир қадам ерига бир тўп, олти немис аскарлари, икки танк ва бир замбарақ тўғри келарди. Бу қаҳрамон шаҳар кишининг ҳар бирига икки юз грамм кону 700 грамм ўқ тўғри келарди.

1942 йил кузи 62-Армия fronti линияси 18 фарсанг, фронт линиясидан Волгагача юз метрдан уч юз метргача чўзилган эди.

Фашистлар Эльбадан Волгагача 2000 фарсанг йўлни гурур билан босиб ўтдилару ана шу юз метрни босиб ололмади тонг қолдилар.

Замину замон ва буюк инсон ернинг шу бир парчасини ва унинг жигар пораларини фашизм вабосидан омон сақлаб қолди. Ғарб тарихчилари бу мудофаа тарихини ҳарчанд нотўғри талқин қилишга уринсалар-да, совет қаҳрамонлари унинг тарихини ўз қонлари билан шу қадар ўчмас қилиб ёзганларки, у ҳеч қачон кўчмайди ва ўчмайди.

Атом оташида ёнган Хиросима ерида ўша баҳорда биргина майса унди деб айтадилар, лекин Мамай Қўргониди 1943 йил баҳори на гул ва на майса бош кўтарди. Ер юзи ўқ ва осқолкалар билан қопланиб ётарди.

Бу улуғвор жангномани эпик тасвирлаш амри маҳол эди. Бу дostonда ўша оғир дамларда жангчилар дилидан чиқиб, қаттиқ тошлар ва юмшоқ дилларга нақшланган бир неча садо ўз аксини топди. Бу садолар муқобили сифатида немис жангчисининг кундалигидан келтирилган парчалар воситасида фашизмнинг умри тугаб, жон узаётган дамлари ҳам қайд этилди.

Бошқа бир дoston ҳақида икки оғиз сўз. «Мен — Тожикистонман» — тожик халқининг ўз озодлиги йўлида бошидан кечирган саргузашт ва тақдир лавҳаларини ўз ичига олган. Октябрь инқилоби ғалаба-сигина тожик халқининг минг йиллар қилган орзу-сига етказди ва унинг қадрини кўтарди.

«Сино бешиги» достони менинг ўн йиллик тадқиқот ва меҳнатим натижасидир. Бу асарда Шайхураис Абу Али ибн Синонинг баракатли ва серфоже ҳаёт йўлини амирлар, олимлар, шайхлар билан бўлган ўн мулоқотда тасвирлашни эл кўрдим. Бу мулоқот ва баҳслар билан Ибн Синони мукаммал шахс, ҳаким, олим ва шоир сифатида тасвирлаш бахтига иктилдим.

Бу дoston мақсади Ибн Синонинг ким бўлганини исботлаш эмас, зеро, бу ҳақиқат жаҳон илми ва ҳаким иқтидорида исбот этилган. Бу дoston нияти ўзгача: Мен истардимки, ҳаёт-мамот, яхши-ёмон, нуру зулмат кураши тарих истиқболида қай даражада ҳал этилди, улар ўз андозасини қай тарзда ўзгартирди, инсоннинг не мушқули осон бўлди-ю, инсоният бошига не янги мушқулот тушди. Агар ана шу мақсад йўлида заррача муваффақият қозонилган бўлсам, ўзимни бахтиёр санардим.

Бу китобни Сизга, азиз ва зукко ўзбек китобхонига тақдим эта туриб, бизнинг қардон санъат ва шеърӣ анъанамиз ҳамдилу ҳамсоядирки, у сизни пасту баланд ва зина шакл сатрлар билан шеърининг сарманзили — дилим сари етаклайди, деб умид қиламан.

*МУМИН ҚАНОАТ*

## ОРЗУ ҚАНОТИ

Кремлда бир жаҳон сир бор эди,  
Бизнинг доҳий тонггача бедор эди.  
Изларди эртанинг нурын уйқусиз;  
Лек Масков ўша тун эди ёғдусиз.  
Борлиги-ла Ватан порларди бутун —  
Кремлга шуъла бўлиб ўша тун,  
Токи равшан тортсин бирдан бу план —  
Юрт нурафшон бўлсин ГОЭЛРО билан.  
Уша тун лойиҳани порлатдилар  
Кўз тикиб, унга нигоҳ чорлатдилар:  
Ленин орзуси — Ватаннинг бу куни,  
Олам қучар нур — Ватаннинг ёлқипи,  
Кўзларида аке этиб бўлди аён  
Нур тўла — юлдузли бир осмонсимон.  
Уша тун замоннинг бир забардасти —  
Ғарб шоири, катта фантасти,  
Солди ю, бу лавҳага бир- бир назар  
Хаёлларга бостиб кетди шу қадар...  
Бу план эртамизга роз эди,  
У дадил парвоз эди, парвоз эди.  
Ҳайратларга тушди бу фантаст шоир,  
Андаша қилмоққа эмасди қодир.  
Деди: «Бу план шунчаки бир гап,  
Россия — зулматда қолади абад!  
Бу план шунчаки — чиқмас хонадан,  
Бу хомхаёл — фарқи йўқ афсонадан...»

У бизнинг қудратдан эди хабарсиз,  
Орзуни англамас эди у зарсиз,  
Планни кўрди-ю, кўрмади дилни,  
Кўрмади эртаси нэрлоқ бу элни :  
У чарогон эди ўша тун чунон,  
Буюк надар қарсғида бегумоя.  
Бу чарогонлик даҳо қалб созидир,  
Кенг қулоч ёйган даҳо парвозидир!  
Визга шу орзу букун бўлди қанот,  
Иқболимиз шу билан топди нажот.  
Ер юзи ундан чарогон бўлди хўб,  
Йўлимиз яқини осон бўлди хўб.  
Шу қанот қудрати юксакка элтди,  
Ленин ўғли ҳатто фалакка етди.  
Халққа бу орзу абад қанотдир,  
Эртамызга раҳнамодир, нажотдир!

## ВОСЕ ҚАТЛИ<sup>1</sup>

Қаср.

Шоҳнинг ёзги ишратгоҳи.

Гуноҳсиз «осий»ларнинг қатл жойи.

Амир улфатлари арк айвонида,

Амир қуллари арк майдонида.

Ўртада дор,

Тагида Восе,

У турар тоғ мисоли устивор.

Ўнди тупроқни, ердан бош кўтарди,

Қараса боши осмонга тегарди,

Амир кўзларига қадади нигоҳ,

Наздида кичрайиб кетди дор бу чоғ.

Ғазаб амирида қайнади ғазаб,

Деди аркон,

Деди майдон, «Воажаб!»

Дорга сарбоз уни келтирди яқин,

Чинорга боғлади арқоннинг учин.

Чинордан таралди диёр бўйи,

Диёрдан «Гулизор» куйи...

Бўйнида торайди солинган сиртмоқ,

Тани тор кўйлагин бўларди йиртмоқ.

Оёқ ҳам узилди энди кундадан,

Чинор қад чинор-ла бўлашар бу дам...

---

<sup>1</sup> Восе — XIX аср охиридаги деҳқонлар қўзғолони йўлбошчиси.

Амир зафар таблин урарди тинмай,  
Бу бонг бир чақириқ эканин билмай...  
Билмасди, кун келиб, издош ўртоқлар  
Тошарлар дарёдай бузиб қирғоқлар.



## МАЪШУҚ ТОҒИ

*Лермонтов хотирасига*

Шоир пок қалбининг шишаси синди,  
Замон жаҳолатин тегиб тошнга.  
Олам-олам ишқи тупроққа сингди...  
Фигон бўлиб чиқди қуёш қошига.

Нопок замон ичра шоир севгиси —  
Тонг каби турар мудом ёришиб.  
Эсизки, бу ишқ нишон — белгиси —  
Ётар тупроқ аро бу он қоришиб.

Шоир юраги ерга тушди ю,  
Айланиб қолди ишқ булоғига.  
Илк бора меҳрдан қондирди гўё  
Покликдан сўзлабон ер қулоғига.

Бу меҳр оқди бўлиб обиҳаёт,  
Навосиз ерга келди баҳор ҳам.  
Унди гулу майсазор бот-бот  
Алвонлана кетди лолазор ҳам.

Шаҳид шоир тани йиқилди, афсус  
Тупроқ уза беланиб қонга.  
Шул қон рангидан чаман олди тус —  
Уша жой айланди гулдор маконга;

Оташ гул эди бундаги гуллар  
Шоир ҳажрида сўзлаб гирёна.

Гул ёқасининг чоки, пораси —  
Уз мотамидан эди нишона.

Бағри доғ долалар — қон тўла жомдир  
Қўлдан туширилган қадахдир букун.  
Унсиз фиғон этган ҳар битта гунча —  
Бир шеърдир туганмас оғриқлар учун,

Садбарг гулининг юзлари пора,  
Сарв тинчлигини йўқотди бу дам —  
Ул ҳам дардига тополмас чора  
Шоир шеърини қўмсаб кўнгли кам...

Ажиб аламзада манзара ҳадсиз,  
Мотам ичра гўё униб, мўлтирар.  
Бу гуллар юзига термилиб ҳар тонг,  
Она-Ер ёшини тўкиб ўлтирар...

## ШЕРОЗ СОЗЛАРИ

### ЗОИНДАРУД

Зоиндаруд<sup>1</sup>, қўшигимдай тараласан,  
Сен қувончдан  
Ва аламдан яраласан.  
Савти Ажам тўлқинларинг титроғидан тошмоқ-  
дами

Еки менинг вужудимдан  
Тингла ҳар айтганим:  
Биз бу ташна жаҳонни қондира олдик  
Кўз ёшимиз-ла,  
Бардошимиз-ла.  
Лабларга ранг қўшолдигу ёндира олдик  
Шеър завқи билан  
Шеър шавқи билан.  
То биз Зарафшондек сингиб,  
Қилдик даштларни гул;  
Кулси деб ўнгу сўл.  
Шаҳрудимиз<sup>2</sup> кўмди ўзин Бухоро бағрига  
Зебу зевар бўлиб,  
Дувёча зар бўлиб.  
Даҳрудимиз<sup>3</sup> дарё қадар тошиб,

<sup>1</sup> Эрондаги дарё.

<sup>2</sup> Зарафшон дарёси кўзда тутилади.

<sup>3</sup> У н т а р у д — анҳор демоқчи, бу ишорада Гёте  
эътироф этган форс-тожик назмининг етти пайгамба-  
ри — буюклари: Фирдавсий, Румий, Низомий, Анва-  
рий, Саъдий, Ҳофиз, Жомийлар сафига устод Руда-  
кий, Хайём ва Бедил номлари илова қилинади.

Оламини қондирар.  
Ҳавасдан ёндирар  
Овозаси дунё қадар ошиб.  
Зондаруд, юксакликлар зебо қизисан,  
Ҳаётбахшсан сен,  
Нажотбахшсан сен.  
Сени қизлар кўз ёшидай симириб олар,  
Қақроқ-қақроқ ер,  
Чок-чок, чок-чок ер.  
Эй, наҳри беқарор  
Кўргил, сени денгиз сари —  
Ҳадсизу бетамом  
Мисли жўшқин шеър.  
Ҳофизин Шероз газалин дарёси элтар,  
Рудакий анъорин мана Зарафшон умри  
Эттиргандай давом!

## ТЕҲРОН ҚИЗИГА

Саҳар ўз хилватимни қилиб тарк,  
Кўзинг сеҳрига учраб бўлурман ғарф.  
Кўзларки, Дарвоз ё Шероз чашмаси  
Менга сўзлайди беовоз ишваси.  
Оёғингда ковуш, бошингда чодранг  
Қоп-қора мавж аро қоматинг гўзал,  
Сеҳрланган мисол,  
Турар эдинг лол  
Жон ато этилган мисоли ҳайкал.  
Тил — бир, дoston — бир гапирсам бошдан  
Биз гавҳар кўзида бормиз бир тошдан.  
Юзингни тонг-саҳар меҳрибон кўрдим,  
Сочингнинг рангини қадрдон кўрдим.  
Сен ҳам менга ўзлигим дебон боқдинг,  
Чодрангни қиёлаб меҳрибон боқдинг.  
Юзма-юз бир нафас турдинг бўлиб лол,  
Гўёки яқину йироқ бир иқбол!  
Кулганда лабларинг гунчага ўхшар,  
Кулгингдан чодранг ҳам сирғалиб тушар.  
Бўса даъвоси келади лабларингдан,  
Гусса ҳавоси елади лабларингдан.  
Сенга ақраболар қайноқ бўсасин  
Истардимки, бахш эта олсам,  
Истардимки қондира қолсам —  
Сенинг ташна лабларингни-ю, гулбаҳорингни...  
Тополсайдим чимматингдан чиқармоққа бир илож,

Қоним билан тўлар эдим бож-хирож.  
Қўлларим нур каби етиб борсайди,  
Сени шафақ қадар кўтаролсайди...  
Бармоқларим ойга интилар илҳақ,  
Қай афсунгар тутиб қолар қўлларим.  
Узун қўлим калталанур — муаллақ,  
Яна нигоҳинг тўсади йўлларим.  
Нечун таъқиб этасан бунча жоним,  
Ушбу аҳволдан мени қутқар ўзинг.  
Ҳокимлигингда ўтару ҳар оним,  
Қайда бўлмай кўзимга тушар кўзинг!

## ҚОЗОҚ ШЕЪРИ

*Ўлжас Сулаймоновга*

Дашт,  
Учқур суворию чавандоз,  
Навбаҳор майсалари — пойандоз,  
Уфқдан уфққача гўё бир қадам,  
Пишқариб от ташланар илдам.  
Елдай елади, у парвозидан шод,  
Қувончлардан гўё чиқариб қанот,  
Қанотга айланса гар кўкрак — қафас,  
Дил лочин мисоли учар шу нафас.  
Даштни доврадай чалар туёқлар,  
Садодан оҳангга тўлар ҳар ёқлар.  
Бу садо саҳронинг дил уришидир,  
Ё шеър қайнаши, гупуришидир?  
Балки шеърдан ҳам у зиёддир, зиёд?  
Дўстлар, бу шеър эмас, ҳаётдир, ҳаёт!

## ТОЖИК ТИЛИ ВАСФИДА

Қанд иста, панд иста, эй жаноб,  
    Ҳар не истасанг, иста.  
Теран дарёдир у, гавҳар — беҳисоб,  
    Ҳар не истасанг, иста.  
Форси дегил, дари дегил  
    Ҳар не атасанг, ата.  
Шеър лафзи — дилбари дегил  
    Ҳар не атасанг, ата.  
Мен учун ягонадир она тилим,  
    Она сутига монанд.  
Иўқ, унга ўзга ташбиҳ,  
    Она меҳридек баланд.  
Дилбарим лобарлигидай  
    Дўст тутарман мен уни.  
Ҳам онам сарварлигидай  
    Дўст тутарман мен уни.



## **ИШҚ ОТАШИ**

**Билинг, ишқ оташи сўзондир,  
Урташи аммо ҳузури жондир.  
Бу асл оташдан ким қочса йироқ,  
Нур каби унга бу ўт етгай бироқ;  
Ҳайҳотки, у бетутундир ҳам ниҳон,  
Сен йироқлашган саринг куйдирар жон.**

## **КЎНГИЛ БЎЛГУСИ...**

**Давраоролар чароғ бўлса давра қандил бўлгуси.  
Ҳиссиётлар мажмуи йиғналса — кўнгил бўлгуси.  
Еш қўлу қалб жам бўлиб урса агар жавлонлар,  
Чўл боғ бўлгусидир, вайрона манзил бўлгуси.**

## ТОНГ ЧАШМАСИ

Гул хандасидан чиқурсан саҳар,  
Булбул куйи каби равону дилбар.  
Бирам ёқимлисан, бирам беғубор,  
Тоғ қизин ибоси каби беозор.  
Субҳи сафо ичра жўшиб багоят,  
Менга тиниқликдан этдинг ҳикоят.  
Сенда хомушлигу юзлаб оҳанг бор,  
Гулларда исингу ўзингдан ранг бор,  
Дарвоз<sup>1</sup> қизларининг нози кабисан,  
Ширин нозларнинг ё сарчашмасисан!  
Майин тўлқинингга лаб босай бирдам,  
Кўнгилдан арисин ундаги бор гам.  
Обиҳаётингдан сипқорай — қонай,  
Кўклам дарди учун ўзингдай ёнай.  
Ёшлигимга ёрсан, сени ёд қилдим,  
Единг-чун дунёни обод қилдим.

---

<sup>1</sup> Жой номи.

## ШУХ ЖИЛҒА

Боладек бу жылғача шўхлик қилар,  
Тоғ оралаб шитоб билан интилар.  
Тепадан югургилайди ғулдираб,  
Тилга кирган бола мисли чулдираб.  
Йўллари тошли — кетар пастлик томон,  
Дам йиқилгай дам туриб чонгай ҳамон,  
Бир недан қочар у гўё ҳуркиниб,  
Панж пинжига кириб олар беркиниб,  
Мисли бола меҳр билан қийқиргай у,  
Она бағрига югургай — киргай у.

## ГУЛ СОТУВЧИЛАР ПИРИ

Варзоб тоғига бўлдим маҳлиё,  
Гул сотувчилар пири у гўё:  
Эғнига кийибди беқасам чопон,  
Белига белбоғдир — у тири камон,  
Бошига оқ суридан салла боғлабди,  
Этакда гулсават турибди хандон.

## ИСФАРА

Исфара,  
Дарёларингнинг шўхлиги,  
Софлиги ҳам кўхлиги  
Жон берур-да, дил олур.  
Гул пардаси остида мудрайди шом,  
Қизлар рози каби иболи,  
Айтилмаган зўр шеър мисоли  
Тонггача мастман сенга,  
Бир бонг мастиманки, булбул қанотида олур,  
Бир тонг мастиманки, кокил-кокил нур таралур,  
Бир тоғ ошигиман, камалакни белбоғ қилур.  
Бағрингга тушдим шом маҳал,  
Лек рўйинг ошно,  
Рангу бўйинг ошно,  
Шунда туғилганманми ё,  
Панж қўйнидан Чоркўҳга тушганманми ё.  
Исфара, Исфара!  
Ё мени ўз кўзларингга жойлагил,  
Ё сени кўксимда элтай мен ўзим.

## КЕТМА, ОҚҚУШИМ МЕНИНГ!

М. С. Са

Наволар эриб, оқди  
Сув каби саҳна саҳнига,  
Зарралар мавжидан садолар қалқди.  
У зебо оққушмисол  
Мавж узра сузар бўлди,  
Зарралар пушти ҳовуздеқ товланиб жилвагар бўлди.  
Гоҳи нозик рафтор билан  
Оқайтган гулга ўшар.  
Гоҳи гирдоб каби гир айланиб тўхтар,  
Гоҳи ишқдан қоқар қанот,  
Гоҳи хомуш, қилур фарёд,  
Сочининг ҳар толаси сўзлайди бот!  
Азобидан азобландим,  
У каби изтиробландим,  
Бу ялдо кечаси ёндим, кабобландим.  
У дилбарнинг дил аксидан,  
Афсунгар қуш рақсидан,  
Минг-минглаб кўз ёшли кўлдир —  
Унда рақс этар бир ҳур,  
Ҳам бўлиб дилларга жўр,  
Қароқлар ичра ўйнар мисоли нур.  
Ҳақиқат сеҳридан бир-бир  
Менга сўзлайди афсона,  
Қилиб ҳушимни бегона.  
Таним шунда, валеқ жоним  
Жононада энди,

Дилим ҳам олами афсонада энди,  
Кетма, эй ширин лаҳза!  
Бўлма хомуш, эй оҳанг,  
Ахир бу бебаҳо умрим ўтмасин аттанг!  
Кетма, оқдушим менинг,  
Қилма афсонамни вайрон,  
Ки шириндир бу афсонанг, жонон!  
Кетма, жоним, висолимиз  
Қолгай бўлиб бир афсона,  
Кетсанг,  
Қолур мендан фақат оташхона, оташхона!



# ДОСТОНЛАР

---

## МЕН — ТОЖИКИСТОНМАН!

*Тоҷикистон ССР нинг 50 йиллигига бағишланади*

### ДЕБОЧА

Эй, одамзод паноҳи,  
эй, чексиз, тубсиз осмон,  
Тоҷикларнинг ҳоли танг,  
уларга тор кенг жаҳон.  
Мотамсаро зимистон,  
кўкка ўрлар ноласи.  
Аҳуро баланд тахти,  
аждодлар шўр толеси.  
Дерлар, бизнинг аждодга  
падар эдинг, эдинг шон,  
Ясарди марди майдон  
бизнинг шаклдан қалқон.  
Бохтар ботирларининг  
қўлларида даст турар,—  
Ковиёнлар ҳақ туғи  
бош устида ҳиллирар.  
Мардоналик уруғи  
сув остида — дурдона,  
Фирдавсий, Сухробларга  
маскан бу — замин — она...  
Ер эди парвардигор,  
васлларнинг тангриси,  
Наслларнинг оллоҳи,  
фаслларнинг тангриси.  
Замин айтар: эй, Инсон,  
гулларман, урсанг, хандон,



Ерлари талон-тороғ,  
дастурхондай титилди,  
Бир узукни талашиб,  
не-не жонлар отилди.  
Балху Суғд жо бўлди  
бир узук ҳалқасига,  
Офтоб нури тегмади  
бандалар елкасига.  
Тожиқ учун дунё тор,  
ери айланди тошга,  
Эл занжирдан сугилди,  
ҳар тош тушди бу бошга —  
Ислон, араб дастидан  
муқаддас нур хор бўлди,  
Саройдан чиққан ўтга  
юзлаб шаҳарлар ёнди.  
Ўтзорлар ёгдусидан  
ўт олди Афросиёб,  
Ўт олиб девор нақши,  
ўт олди билим — китоб...  
Мўғуллар шу йўсинни  
такрор айлашди чунон,  
Замон юксаклигини  
ер билан этиб яқсон.  
Хўжанднинг юксак руҳи —  
сарбаланд сезгир кўзи,  
Мард ўғил — Темурмалик  
занжирбанд бўлди ўзи.  
Тожиқ тахтлар, урфону  
шаҳарлар бўлди шудгор,  
Ердан илм унмади...  
юз очгунча бир баҳор.  
Кўҳна илм хокидан  
кулди яшил ўтлоқлар,  
Фалакнинг кўк этаги —  
бунда чақди чақмоқлар...

Юксакликдан тоғ қолди,  
   руҳ қолди бўлиб тимсол!  
 Икки баланд тоғ ичра  
   қайғу чўққиси алҳол.  
 Жаҳон баландлигидан  
   кўкка зина бор эди.  
 Йўлсиз эди осмон ҳам,  
   эски кўру кар эди.  
 Еллар тилида андуҳ,  
   аммо ундан жавоб йўк,  
 Ул бағритош қонона,  
   ер ўғлига бегона!  
 Бу учин майдонда  
   тожик ҳам шай турарди,  
 Бир ёр, бир дўст йўлига  
   интизор кўз тикарди!

## БИРИНЧИ ҚУШИҚ

Сна-Ер осмон гумбази остида бешида кўк рўмол  
 ўраб, виқор тўкиб турибди. Этагининг безаклари туп-  
 роққа тегади ва этаги остидаги гуллардан гул унади.  
 Самони қамраган садо ердан қулоққа чалинади:  
 «Ҳар ким менга бугдой уруғини экса, ҳақ олар ва ҳа-  
 қиқатни кўтарар... Ҳар ким менга ғазаб уруғини  
 экса, олов хирмониши кўтарар... Бугун менинг экин  
 майдонларимга сочилган у ғазаблардан олов хирмон-  
 лари кўтарилмоқдадирким, мен даҳшатли девлар ку-  
 чини тун зулмати билан, қуллик ва гумроҳлиги би-  
 лан ёқарман...»

Илк бора янгради фазода хитоб:<sup>1</sup>

«Эй, жафскаш Шарқнинг мусулмонлари,

<sup>1</sup> В. И. Лениннинг телефонограммаси кўзда тути-  
 лади. Бу — Вухорога осмон йўли билан келган илк  
 хушхабар эди.

Хароб бу дунёни иргатиб нари —  
Келди иккилоб!

Бу замин, бу сувлар, бу тоғу адир,  
Зулмат меросидан қутулди ногоҳ.  
Заҳматқашларнинг у ҳалол молидир,  
Бўлингиз огоҳ!

Бирлашингиз, янги озод, наврўз учун!  
Янги, обод дунё учун, бирлашинг!  
Гўдаклар ҳаёти, келажаги деб,  
Зиё учун, бирлашинг!»

Камондай эгилди алифдай қадлар,  
Осмондан етгунча мазкур хушхабар.  
Ленин ғояси бу — юксак шуурли,  
Заминдай нурли.

Бухорода эса тўйдир баайни,  
Нола ёғдиради қўлда пай, танбур.  
Йўқсуллар сафида борарди Айний  
Чақнаб гўё нур.

Қаҳраган, заъфарон юзли заминдан  
Бошин кўтарарди майса мисоли.  
Ана, қизил аскар — яшша мийимда,  
Йўлбошчи — тимсоли.

Кечаги тор кўча — бугун кенг дунё,  
Қизил байроқлардан — бу адолат, нур.  
Мурод жамолидан ҳилпирар гўё,  
Йўқсуллар бошида мағрур...

«Ҳақ соясин» кетди соядай ердан,  
Ут олиш-чун қўшини уйига кетди.

Капитал дунёсига ёпишди бирдан,  
Тиргаксиз давлат битди.

Яксон бўлди тахт ҳам қора бахт каби,  
Олампаноҳ байроқ ўйнар жилвагар.  
Қизил бўлди аркнинг қоп-қора юзи —  
Бу оппоқ саҳар...

Ҳа, қуёш йўлидан борарди тожик,  
Чангу рубоб ила ҳар тонг уйғониб.  
Янги, қутлуғ кунга пешвоз чиқди тик,  
Янги ҳаёт шавқида ёниб...

Бу тонг том устидан, минор устидан,  
Ҳарамдан, ҳужрадан, зулмат зиндондан —  
Сарбадор, ботирлар дорлар остидан —  
Бухоро, Ҳисору — ҳар ёндан;

Янги кунни кутмоқ, қутламоқ учун  
Обёққа туришди, кайфият баланд.  
Янги шеър беришди қуёш-ла бирга,  
Янги кун умид билан...

Инқилоб!

Сен сувсан — ташна дилларга,  
Экинбон ерсан — замин серҳосил.  
Келдинг қариликда келган ёшликдай,  
Сервиқор, шўх фасл.

Ол байроқ парвози — тожикка қанот,  
Ва кулнинг тагидан чўғ олди очиб.  
Восенинг ҳам ёнди ўчган гулхани  
Ёқут шуълалар сочиб.

Оловбардор мисол, мисли оташпараст,  
Байроққа — оловга тавоф айлади.

Байроқлар нури-ла пок айлаб ўзин,  
Ер-сув-чун шукрлар деди...

Мағрур қадам қўйди янги дунёга,  
Янги йўл, янги уй, майдон — зиёга!

## ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Янги тоғ. Регистоннинг яшил ва осмоннинг мо-  
вий гумбазларидан икки қизил байроқ кўтарилмоқ-  
да. Ва она-Ернинг кўк рўмолини нур билан чул-  
ғади. Она рўмоли бир йўла гулоб рангига кирди:  
«Имон келтирардимки, менинг фарзандим, заминлар  
ва замонлар фарзанди бир дарёдан бош кўтарадилар  
ва оламу одамнинг оҳу додига етадилар ва ер билан  
сувни умумбашарият мулкига айлантиргайлар деб.  
Мен қуёш остида роса айландим. Бугун заминнинг  
барча буюк фарзанди ва менинг фарзандим зангори  
дарёдан чиқди ва мени кўргани келди... Бугундан  
бошлаб экманг менга бир қўлда олову бир қўлда  
сув...

Бир қўлда ҳаёту бир қўлда мамот!..»

Бошимизга бошпана — бу Қизил инқилоб,  
Асрий дардга дармон бўлди, топилди жавоб.  
Ҳотам халқим бир қарич ер гадоси эди,  
Қалб ноласи — ҳасратининг нидоси эди.  
Ерсиз дилга сўз уруғин сениб келди у,  
Бу уруғдан шеър ҳосилини олиб келди у.  
Хуррият у ер, сув керак — бу халқ орзуси,  
Бу шарафни бошлаб келди Ленин имзоси:  
Ерсизларга ўн танобдан ер бор, олсинлар!  
Ташналарга ариқ тўла сув бор, қонсинлар!  
Ким ғафлатда, уйғонсин — ҳай, чорлар инқилоб,  
Байроқ тутар, қалам тутар, тутади китоб!

Тожик қизи, чиқ, чимматни йирт, айла пора,  
Ахир, сенга ярашади қуёший чехра!  
Тиз чўкади, ана, деҳқон эгат бошида,  
Нам тупроқдан нафас олар ризқи қошида.  
У тупроқни тери билан сувга қондирди,  
Ариқ қазиб, сув таратиб кўзни ёндирди:  
«Адолат — шу, молим бўлди амирлик мулки,  
Минг-менг юнун ваталидир юртга мен каби.  
Бу замонда — бу оламда, бу қитъада ман,  
Ҳам фақирман, ҳам вазирман, ўзим амирман!»  
Замин мисли озод бўлган аёлга монанд,  
Ардоқланар ёр қўлида, меҳрига пайванд,  
Она замин тўлганарди уруғ бағрида,  
Майсаларнинг мавжларида яйрарди шуда.  
Болаларин ризқ-рўзини юрагида ер —  
Эъзозларди бошоқларга бағишлаб меҳр.  
Қизил байроқ рамзи бўлиб кўкарар боғлар,  
Гуллар униб, ҳоки пойдан йўқолар доғлар.  
Эрк ниҳоли куртак ёзиб, отганда томир,  
Томорқада деҳқон бобо дуосин ўқир.  
У хотирлар: «Анча бўлди, булоқ бўйида  
Кўз ёш билан ўтқазгандим бир ниҳол — дарахт,  
Шамол туриб, олиб кетди илдизи билан,  
«Бебахтман» деб, қолавердим беҳолу карахт!»  
Бахт дарахтим, камол топгин, яшна, ҳар қачон,  
Бош кўтариб, бошимизга бўлгин соябон.  
Устун бўлгин хонадону осмонларга ҳам,  
Жаҳон — дарё, кўприк бўлгин жаҳонларга ҳам!  
Бу дарахтлар, бу майсалар, чироқ қасдига,  
Бу гулбаҳор, бу лоларанг байроқ қасдига,  
Эски замон янги, қора фитна кўтарди,  
Қора кучлар қўлларига кўк туғ тутарди.  
Пайгамбарнинг кўк байроғи ўғри қўлида,  
Ўлим билан дуч келинди босган йўлида.  
Янги дунё, янги ҳаёт тушиб эсига,  
Иброҳимлар ханжар урди дунё кўксига.



Қонга тўлди деҳқон кўзи, аскар сийнаси,  
 Яшил дала қизил қонга бўялди роса...  
 Пайҳон қилди кўкатларни отлар туёғи,  
 Ет қафасдан хира тортди умр чироғи...  
 Овга майдон бўлди бир вақт экинзорлар ҳам,  
 Кўп гумроҳлар босмачига бўлишди ҳамдам.  
 Инқилобнинг қўшинлари турди оёққа,  
 Хисордаю Фарм, Норақ ва Кўлоб ёқда.  
 Озод деҳқон яна олди қўлга кетмонни,  
 Дон-дун экди, дўстлар учун уйди хирмонин.  
 Инқилобнинг руҳи тирик коржомада ҳам,  
 Инқилобий ниҳолсимон ўсарди бардам...  
 «Эй, Замона! Адолат қил! — Фарёд чекар ер, —  
 Мен — Озодман! Не хўрлаш — бу! Эй, халқ, кўмак бер!  
 Мен — Онаман, унут бўлган мунис, муштипар,  
 Хўрланганим, оёқости бўлганим етар!  
 Хунхўр ўғри товушлари титратди мени,  
 Пайғамбарнинг кўк байроғи чиритди мени.  
 Мен — Онаман! Мангу бедор, умидим — чироқ,  
 Нажоткорим, мададкор бўл, эй, Қизил байроқ!  
 Ўт чақнатган Болганг учун ўт сўзларим бор,  
 Уша олмос Уроғингга бу жоним нисор!»

### УЧИНЧИ ҚУШИҚ

Ер Онаси кулранг либосда бошида гулоб ранг  
 рўмоли билан экилмаган ер бошига келади. Чап қў-  
 ли билан найзаси ерга ботган фаранг милтиғининг  
 қўндегини босади. Унг қўли билан бир сиқим тупроқ  
 олиб, дейди:

«Мен ўша суз билан экинга чанқоқ бўлган ер-  
 ман, мекнинг ҳусни эҳсоним яшилликдадир, бугун  
 ҳамма дарёларнинг яшиллигини, ҳамма аскарлар-  
 нинг яшил кийганини кўриб қувонаман, у аскарлар  
 менинг борлигимни, аждодимни ўлимдан қутқарди-  
 лар.

Эй, навқирон йигитлар, билиб қўйинг, сизнинг йўлингизни, ҳар бир босган қадамнингизни мен ҳам, фарзандларим ҳам унутмайди. Сизлар мени деҳқонлар уруғ сочиши учун ўзимга қайтариб бердингиз. Токи мен тирик эканман, нишонангиз мен билан боқий... Куйбишев, Фрунзе, Томин, Федин, Шапкин, Мелькумов, Путовский, Ионовга оналар ташаккури ва менинг раҳматим, шаҳид бўлган аскарлар шижоати-га — менинг шафоатиму тирикларга эса — шарофатим!»

Бу кўҳна дунёнинг муаммосин кўр,  
Ҳар қисса — тарихнинг ибтидосин кўр.  
Сандон бардошидан сен садо эшит,  
Болганинг зарбидан сен нидо эшит:  
Дарвоз деган жой бор — тор дара, бир боқ,  
Икки дарвозаси тошдан эди нақ.  
Бу ердан ўтишган таффот<sup>1</sup> сингари  
Руснинг оқларию Рум қаролари.  
Торгина дарада гўё бор дунё,—  
Гоҳ одимлаб ўтди, эмаклаб гоҳо.  
Ботирлар ўтдилар бошларин эгиб,  
Камон бўлиб қадди, бош тошга тегиб.  
Инқилобнинг ботир чавандозлари,  
Тош дарадан мағрур ўтдилар бари.  
Ванжин пўлатидан тақалари ҳам,  
Қонли тирноқларда нелар жамулжам.  
Довоннинг йўлини шамширдек кесиб,  
Ўтдилар душманнинг селини кечиб,  
Катта ер энди бу тупроққа туташ,  
Ленин қуёшидан дилларда оташ...  
Ястанмиш экинзор, олтин бошоқлар,  
Дўконда ясалар янги ўроқлар.  
Сандонга урилди зарбдор болғалар,

---

Гармсел.

Оташ ичра бунда пўлат тобланар.  
Омоч ясадилар пўлатдан такрор,  
Заминни гафлатдан айлашиб бедор.  
Иқбол бешигини тебратиб тун-кун,  
Тўкин бўлсин дер эл ризқи бутун.  
Не-не корхоналар иш бошлаб пойдор,  
Жумҳуриятимга бўлди мададкор.  
Ердаги рельслар, симлар ҳавода  
Замину замонга жән этди фидо.  
Меҳнат майдонига келди трактор,  
Мард ўғил, ироданг қани, синаб кўр!  
Паърасидан Вахш ҳам тўлғониб кетди,  
Карахт уйқусидан уйғониб кетди.  
Пок замин деҳқоннинг ҳалол қўлида,  
Тиллога айланар юрган йўлида.  
Вахшига олиб чиқди ариқ тўла сув,  
Ер узра кўк кокилга ўхшар эди у.  
Кўзни олар ернинг яшил жамоли,  
Мўъжизага ўхшар пахта ниҳоли.  
Бруно ва Айний учрашди бунда,  
Мумтоз деҳқон каби сўз очди бунда.  
Сув ва Инсон мадҳин этишди давом,  
Фақирлар тасвирда бўлишди хотам.  
Йўллар оқ, байроқдай қаламлар қизил,  
Меҳр тўла ҳар дил, нурлидир манзил.  
Лоф билан Амуни жиловлаб бўлмас,  
Ҳасадгўй душманлар нималар демас:  
«Тожикик йўл четида қолган бир кимса,  
Ночору дармондан толган бир кимса,  
Тангри унга паноҳ бўлганида ҳам,  
Олам унга оллоҳ бўлганида ҳам,  
Пайгамбар бўлса ҳам бу замон, аср,  
Тангрига таобад бир муте, асир,  
Урнидан туриши бизга даргумон,  
Бир давлат қуриши ёлғон, йўқ имон!  
Тожикининг на тахти ва бор на бахти,

Шаҳри борми бўладиган пойтахти?!»  
Ильич назар қилган элат эдик биз,  
Шеър билан улгайган миллат эдик биз.  
Буюк биродарим қўллаб юборди,  
Саодат йўлига йўллаб юборди.  
Мадҳу само айтиб дўстлик номига,  
Йўл очдик, йўл солдик жаҳон томига<sup>1</sup>.  
Яқин бўлди олис, юракка ошно,  
Ёр бўлди бизларга бу катта дунё.  
Тупроққа қоришган қишлоқ — Душанбе  
Ёғдуга ўралди, мукамал толе.  
Икқилоб нуридан тахтию бахти,  
Улгайди инсондай шаҳар — пойтахти!  
Сўнмас, порлар мангу ҳаёт чироғи,  
Бошида қилпирар Давлат байроғи.  
Унда янги йўлнинг оқлиги ҳам бор,  
Навбахор фаслининг поклиги ҳам бор,  
Унда бор тасвири деҳқон ўроғин,  
Унда тинглаш мумкин болганинг зарбин.  
Унда миллат бахти қсқмоқда қанот,  
Жаҳон томи сари янги йўл — ҳаёт...  
Унда қуёш тафти, жилоси ҳам бор,  
Икқилобнинг рамзи — зиёси ҳам бор!..

#### ТҲРТИНЧИ ҚУШИҚ

Мовий осмонда қора ва қуюқ булут даҳшатли шамолдан ёйилиб бормоқда. Оқ сочларининг акси бўлмиш булутнинг бир бўлаги она-Ёр бошига тушди. Ва она қалбининг садоси янгради:

«Оёқларим остида қанчадан-қанча қалқонлар яксон бўлди. Ўйладимки, уруш ҳам яксон бўлди, менинг бағримдан қанчадан-қанча ўқлар тупроққа ботди. Ўйладимки, жаҳон урушдан тўйди...»

<sup>1</sup> Помирға ишора (тарж.).

Мен энди кўкармоқда эдим, душман бошимга  
қилич тортди.

Қиличга қарши — қилич!

Кимки қалб йўлига чуқур қазиса, ё дилда ўла-  
ди, ё йўлда.

Ва қилич кўтарган қиличдан ҳалок бўлади...»

Мен — Она, бир умр борлиқ онаси,  
Насллар жониман, мен-ла нафаси.  
Бир замонлар, ҳа-ҳа, эдим бенаво,  
Забун эдим, оёқ остида аммо  
Ернинг балолари ўтди бошимдан,  
Дарё бўлиб ўтди кўзим — ёшимдан.  
Не-не лашкарлари ўтди танамдан,  
Ўртади бу дилим азобдан — ғамдан.  
Танқислик чоғида қилдим саховат,  
Юксакликка парвоз — муддао, одат.  
Улуғлар бошини силадим масрур,  
Хатарсиз йўлларга бошладим мағрур.  
Қаҳримдан Рустамдай паҳлавон туғдим,  
Меҳримдан Манижадай меҳрибон туғдим.  
Дилга Рўдакийни туғдим ҳамзабон.  
Қўлга қалам тутдим — ёзсин деб дoston...  
Мен бешик ёнида бедорман ҳамон,  
Ишим кўндир бутун сайёрасимон.  
Кўк остида сокин ҳам сайёрман,  
Дарчалардан наҳор файз — нур тўкарман.  
Қора домдай туннинг асрори бироқ,  
Ваҳима нақшидир азал қора, оқ.  
Ҳа, тошқин олдида сокиндир дарё,  
Тун сокин, ёнма-ён зиё ва рўё.  
Дусим: дарёлар сокин оқсинлар,  
Тонгда булбулларим қўшиқ айтсинлар.  
Гул териб, гул сочсин кулиб аёллар,  
Қоришсин кўк, қизил ранглар — зиёлар.  
Оналар амрига борилди хилоф,

Бу — оддий ҳақиқат, бунда йўқдир лоф.  
Кабутар ўрнига инидан наҳор,  
Осмон узра ёйди қанотин беор.  
Саф-саф самолётлар — қора калхатлар,  
Ларзада, ташвинда ўлка, элатлар...  
Юрак фармонига барча бош эгди,  
Қари-ёш дарғазаб, муштиини тутди.  
Кўкни қўриқлаш-чун турди санамлар,  
Қаламқош, ўроқчи... ўртада — минбар.  
Қўл очиб кузатдим фарзандларимни,  
Ортидан кўз тикиб дилбандларимни.  
Хатарли йўлларни хатарсиз этдим.  
Кўз ёшлар қилмадим, интизор кутдим.  
Кўз ўнгимда шафақ, лоларанг кўрдим.  
Қон кечсам-да, аммо бардошда турдим.  
Ўғил жароҳатин кўрдим жигарда,  
Урушда — уйимда, кўрдим ҳар ерда...  
Келинлар иккиқад, остоналарда,  
Кўзлари — манзилда, суюкли ёрда.  
Осмонлар рангини кўриб бошларда,  
Тасалли берай, деб дoston бошладим...  
Ахир, мен хокбону гўдакбон эдим,  
Дарахтлар ҳосилдор, мен боғбон эдим,  
Гўдаклар ризқига ҳам сув, дон эдим,  
Заминда аскардай паришон эдим...  
Урушда бир болам қуласа ерга,  
Бир устун қуларди бош узра бирга.  
Ажинлар тушарди юрак юзига,  
Кўринар бўш қабр нишон — кўзига.  
Сафарим<sup>1</sup> далада қолди — даламан,  
Азизим<sup>2</sup> дарёда қолди — дарёман.

---

<sup>1</sup> Сафар Амиришоев — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ғаллани сақлайман деб ҳалок бўлган.

<sup>2</sup> Домулло Азиз — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Днепрдан кечиб ўтаётганда ҳалок бўлган.

Тўйчиман! — ўқ ўтмас, кўкси қалқонман,  
 Ўғиллар жаҳон дер, ўзим — жаҳонман.  
 Ёнимдан ўғиллар саф-саф кетишди,  
 Мисли ою йиллар саф-саф кетишди.  
 Душманни янчинга қасам ичдилар,  
 Мени деб ўзликдан бутун кечдилар.  
 Бевақт қоқилдингиз, ҳамон ҳайронман,  
 Паришон келсангиз, мен паришонман.  
 Сиз бугун ғолибсиз, шодман, хандонман,  
 Яшанг, болаларим, марди майдонман!  
 Ойгулнинг йўлига кўзларим муштоқ,  
 Фуратдай учини кўринар йироқ.  
 Қуёш ботишига ўхшар қўниши,  
 Ботади... ботмайди... не билсин киши...  
 Қўрқади, чўчийди думдор оловдан,  
 Ҳаёт чаманига ўт тушар бирдан.  
 Самолёт думидан ўт кетса такрор,  
 Уруш шуъласига уланиши бёр!  
 Гўдаклар, оғалар сафарда қолди,  
 Кўплари бедарак, хатарда қолди.  
 Қабрлар тошига қўйишди бошин,  
 Курашлар синади сабот, бардошин.  
 Ҳар болам — қаҳрамон аскарим эди,  
 Нуридийдам, паҳлавон, жигарим эди.  
 Тоғларнинг бошида мрамор ҳайкаллар,  
 Барҳаёт умрлар тарихин сўйлар!..

### БЕШИНЧИ ҚЎШИҚ

Она-Ер кулранг либосда майдонда турибди,  
 уруш йиллари унда боқий. Майдон ранги ўзгариб, ўз  
 рангига, яшилликка қайтмоқда. Она рўмоли ҳам

<sup>1</sup> Тўйчи Эригитов — Совет Иттифоқи  
 Қаҳрамони, Ленинград остоналарида Матросов жасо-  
 ратини такрорлаган.





Бу ёшлик дунёсида  
бир дил икки дил бўлсин!..  
Ерга, қизга оналик  
насиб этсин баробар,  
Қоронғу, совуқ, дардсиз,  
бўлмасин асло олам.  
Замонанинг юзида  
ёнган оташ — қизиллик,  
Юз-кўзларда товлансин,  
ҳавас қилсин ҳар одам.  
Жанг олови ўчди-ю,  
тун-кун сочдинг шуълалар,  
Чақмоқ янглиғ чақилиб,  
ёритдинг замон юзин.  
Раво кўрмадинг аммо  
фарзанд доғин онага,  
Ҳар юмушда бизларга  
тиладинг омад — тўзим.  
Бизлар билан баробар  
ўзинг бўлдинг биродар,  
Шоир билан шоирдай,  
деҳқон билан деҳқондай.  
Кўтарганда айвонин  
халқнинг миллат қасрини,  
Бўлдинг сарвар, йўлбошчи,  
азиз — жонига жондай.  
Қуёш булутда қолса,  
бузилади авзойинг,  
Шахта сатрларида  
ўқийсан қалб сўзини.  
Осмоя ёришган замон,  
ёришади рухсоринг,  
Машҳур пахтакор мисол  
ўқийсан ер розини.  
Гоҳо замин одами,  
фазо соҳиби гоҳо,

Фақат она ҳукмига  
бўйсунди бу дунё.  
Ёшлик фаслин тимсоли,  
қутлуғ исминг зикр этар,  
Узгалар фарзандини  
ўзидай кўрар аммо.  
Она Ватан номингни  
фахр-ла дер: Коммунист!  
Замин борки, деҳқонлар  
тупроқни қилур тавоф.  
Камалакнинг шаклига  
айлантирди ер шаклин,  
Эҳтиром маъвоси у,  
заминдан топура савоб.  
Тожиқ тўқувчисининг  
қўлидан чиққан мато  
Камалакдай товланар  
офтобнинг ёғдусида.  
Пахта момиқлигию  
қуёшнинг нури унда,  
Муҳаббат риштаси бор  
арқони, толасида.  
Ёвон даштида ҳар гал  
ёмғир қатраларидан  
Кўклам уч кун кўкарар,  
кияр ёзда бир либос.  
Саратоннинг селидан  
даштлар куйиб кетарди,  
Диллар ҳам ёнар эди,  
нафақат даштлар холос.  
Инсон гулларни ўйлаб,  
сув чиқарди ёвонга,  
Қақраган дашт қўйнига  
оқди жўшқин бир дарё,  
Обиҳаёт изидан  
кулди кўркам чаманзор,

Ҳаёт бўлиб чақнади  
элим йўлида зиё.  
Энди Норақ нурига  
таъзим қилар бу жаҳон,  
Юракларга кўчибди  
оташ чақин шуъласи.  
Юксак саодатини  
томоша қилур осмон,  
Қанотли парвозидан  
янграр бахт ашуласи.  
Нурафшон кенгликлардан  
боқаман уфқларга,  
Кўз ўнгимда жонланар  
юртим камолот ёши.  
Қалбим қўшиб куйладим  
қанотли қўшиқларга,  
Ғалабалар муқаррар,  
бошда Ленин қуёши!

## ДНЕПР ТҮЛҚИНЛАРИ

Лирик достон

### КИРИШ

Эй Днепр, эй Тарас волидаеи,  
Ун кунгина сен бўлурсан мезбоним.  
Келдим шўх Панж бўйларидан —  
Бадахшондан, Бадахшондан меҳмонинг.

Ижозат эт, этагингда ўлтирай,  
Дилбар мавжларингдан нигоҳ тўлдирай.  
Тинглайин гулдурос овозинг сенинг,  
Кобзарь созига жўр созинг сенинг.

Жўшқинликда сенга ўхшагим келар,  
Юрагим сен билан тиллашмоқ тилар.  
Панж қадар сен билан ошно бўлайин,  
Бадахшонда сен ҳақингда сўзлайин.

Кўп узоқдан келдим сенинг қошингга —  
Йўл йўқотган йўловчи бўлиб эмас.  
Кўн эҳгиром, ишонч билан келганман,  
Ота даргоҳига фарзанд бўлиб, бас!

Келдим, эй улуғ дарё  
Эй тўлқинлар,  
То бўлай қатрангиздай ёрингиз,  
То бўлай воқиф сиру асрорингиз,  
Тўлқинлар ҳей,  
тўлқинлар ҳей,  
тўлқинлар!..

## НУР ТҮЛҚИНИ

Йўллари<sup>нг</sup> тўсмоққа кўп уриндилар,  
Қон-қиличларни тутиб чирандилар,  
Лекин йўли<sup>нг</sup> боғлолмади бирор куч,  
Ё на азмин<sup>г</sup> синди<sup>ро</sup>лди, бари пуч,  
Ҳеч оламгир уддалай олмади, йўқ!  
Тўлқинларин<sup>г</sup> дами душман-чун шамшир,  
Тўлқинларин<sup>г</sup> — лашкарин<sup>г</sup> иқболи<sup>нг</sup>га  
Богдан сафи каби истиқболни<sup>г</sup>да  
Саховат-ла умрин<sup>г</sup>ни узайтувчийди...  
Лек бир қуни, айни айёми баҳор,  
Сен сарй зўр лашкар келди саноксиз.  
Қандай лашкар,

одамларки, хоксор —

Оддий деҳқон,

хизматчи-ю,

шахтёр,

Забардаст лашкар,

лекин тиру камонсиз.

Одамларки, молу дунёсиз эди,

На ҳашам, на мулки Доросиз эди.

Қатъий азму

кўпирган қон,

тинмас жон,

Ҳимматлари дарё, адосиз эди,

Давлатлари уларин<sup>г</sup> навқиронлик.

Ҳужжатлари лекин гоят эди зўр,

Ҳужжат нима, қўлларида бир дастур.

ГОЭЛРО плани,

у нур эди, нур,

Сув ва ер ҳақида эди бу фармон,

Унда Лени<sup>н</sup> имзоси бор — қадрдон...

Шу ном ҳурмати учунми,

Ёки фарза<sup>нд</sup>ларин<sup>г</sup> бахти учунми,

Ихтиёрин<sup>г</sup> қўллари<sup>г</sup>га тутқаздин<sup>г</sup>,

Биринчи бор мағрурлигинг ютқаздинг.  
Ешлар-ла ўзинг ҳам бўлдинг навқирон,  
Янги қудрат билан тилларда дoston.  
Мавжларингга дил мавжлари жўрма-жўр,  
Тўлқинларинг чақмадилар — мисли нур.  
Янги ном билан сен бўлдинг машҳур,  
ДнепроГЭСдан, борлиғу борингдан,  
Тоза қон мисоли зўр томирингдан,  
Яралди нур, саҳройинг ёришди,  
Ўз тегранг ўз нурунгни қоришди.  
Халқ орзуси эди шу, ахир.

Ерга ҳам, ҳавога ҳам даркор бўлдинг,  
Биёбон ичра сен гулзор бўлдинг,  
Хиёбон узра сен анвор бўлдинг.  
Ахир ёришди-ку, Полтава туни,  
Кўҳна дунё узра ёшлик ёлқичи.  
Эй Днепр! Қудратингга офарин!  
Оташу нурунгни қуллуқ айлайин.  
Баски бу оташ менга тенгдош эрур,  
Кўзга нур, иқболима ёндош эрур.  
Кўзларимни очган ҳам нурунгни сенинг,  
Кўрдиму бўлдим масрурийнгни сенинг...  
Нурунгнизда дил ўти ёлқинлар,  
Тўлқинлар ҳей,

тўлқинлар ҳей,  
тўлқинлар!..

## ТАРАС МАНГЛАЙИДА ТЎЛҚИНЛАР

Ҳақиқат излай-излай,  
Ростликни сўзлай сўзлай.  
Тошли аср, бебеш замон  
Шоирни қилди сарбоз,  
Шоир қалби бургут, лекин  
Ман эди унга парвоз.

Унинг фикрин, унинг зикрин,  
Шеърин шердек занжирлаганди,  
Дунё амри унинг учун  
Гўё боғлиқ Днепрдай  
Жўшмоқни қилганди ман.  
Энди шеърин тўлқинлар,  
Унинг сийнаси аро гирдобга айландилар.  
Шундай даҳшат гирдобки,  
Шундай ваҳшат гирдобки!  
Ғазаб билан истардилар  
Қинғир дунё кар олам

қилмишин этмоқни ғарқ.

Дарё мавжи эди шоир,  
Аммо дарёсидан жудо.  
Диллар шоҳи эди шоир,  
Лек дил дунёсидан жудо...  
Днепр мавжидан йироқ  
Ғамистонда, қозоқ биёбонида,  
Қайноқ қум тўлқинлари қонида  
Бошида Киев савдоси,  
Дилида — она Днепр,  
Ойлару йилларни  
Тўлқинмисол биёбонга этди бахш:  
Эвазига Днепрнинг мавжлари  
Тўлқин мисол ажинни  
Машғлайига этди нақш  
У тафаккур тўлқини,  
кин, ғазаб,  
асаб тўлқинлари  
Тириклик тўлқинлари ...  
Турфа асрар остингизда тўлқинлар,  
Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар!..

## САҲРО ТҮЛҚИНЛАРИ

Кўрганмисиз саҳро тўлқинларин сиз?  
Шарпасин ҳеч бўлмаса сезганмисиз?  
Қақраган чўл кутганин шабнамни зор?..  
Кўрганмисиз саробда ҳам тўлқин бор?..  
Бир ажиб баҳр кўрдим бунда мен  
Дил узолмай термулардим кунда мен.  
У бепоён денгиз эди мавжланган  
Украина қучоғида авжланган.  
Денгиз мавжи,

буғдой жони эди у,

Мардум ризқи,

мардум нони эди у.

Жонга яқин эди бу ҳид шу қадар,  
Ширин бир ҳид, қадрдон ҳид — муаттар.  
Болаликдан ундан баҳра олганман,  
Бадахшонда шундан-ку, нон еганман.  
Ёдимдадир, уруш бошланди бехос,  
Бу саховат йўлини узилгани рост,  
Нон инсон жонига бўлди баробар  
Оғизлардан там кетиб тотдик заҳар.  
Уша йиллар

ҳис қилардим мен жуда

Танимиздан сийнамиз эди жудо.  
Қудратимиз тўлқини ювди тамом,  
Еримиздан ёвни қолдирмай омон.  
Ушбу дарё тўлқини бўлди озод,  
Халқ фаровону яна мулк обод.  
Ушбу саҳро хайр тўла донидан  
Сабза урди қозоқ биёбони ҳам.  
Сабза урди,

мавжга тўлди ғариб чўл,

Янги ҳаёт,

янги нафас, янги йўл.

Мен бу майин мавжлар узра кўрдим боз,



Украина мавжланарди сарафроз...

Украина!

Мавжинг, эҳсонинг йўли,  
Сербаракат ажиб деҳқоннинг қўли.  
Душанбею Қозоғистонга етди  
Бизнинг юрт ҳам мана армонга етди.  
Дарё жулбушисиз, ахир, тўлқинлар,  
Тўлқинлар ҳей,

тўлқинлар ҳей,

тўлқинлар!..

### ОДАМЛАР ТЎЛҚИНИ

*Совет Иттифоқи Қаҳрамони Саидқул Турдиев хотирасига*

...Днепр!

Едингдами ўша ўту оташ йиллар,  
Одамларнинг тўлқини темир оқим мисоли  
Қирғоғингга урилди?

Бир томон — биз

ўзингга йўл излардинг,

Бир томон — ёв

тўқирди ажал тўрин.

Утардинг бир замин

икки замондан

Ногаҳон

тожик йигит қўйнингга отди ўзин,

ёв ўқин ёмғири очирмасди кўзин.

Тўлқин темир либосдек

унга бўларди қалқон,

Ортидан ротаси силжирди соҳил томон.

Ут ёриб, оташ ёриб,

ёриб чакалакзорни ҳам,

Дарёда илк очди йўл йигит ташланиб илдам.

Парча тупроғингни ёв чаңғалидан олди у,

Баски, душман бағрига ларза-ю, дард солди у.

Сон-санеҳсимз тўплардан ажал уруғи учар,

Баҳодирлар Ватан, деб

қонларига беланди.

Дарё суви,

соҳил хоки элакланди, эланди.

Субҳидамда икки юздан

беш жон қолганди омон.

Қўйнингда юрак мисол турарди беш наҳлавон.

Орт — сув, олд — оташ

ҳаводан — ўқ ёмғири,

Ут билан сув ўртасида беш фарзанднинг ҳар бири олишарди беомон,

Эвоҳ, ногаҳон

Душман ўқи Қизил билет — қалқондан ўтди,

Тожиқ дилидан — темир

жондан ўтди.

Едингдами,

қай ҳолда у йиқилди ерга?..

«Воҳ модар!» деди ю, қучди тупроқни.

Юрагига она-замин тутди қулоқни;

У оламдан ўтди...

Ўтди шу дам лашкар дарёдан.

Қонли байроқ бошларида ҳилирар эди,

У машғалдек руҳ бағишлаб мавж урар эди.

Ҳар дмл зарби урар эди: «Интиқому интиқом!»

Ҳамон ўша бир парча Ватан тупроғи,

Ўғлоннинг бўлиб қолди мангулик мавзилгоҳи.

Манзилгоҳқи, жонимиз-ла фидокори биз унинг.

Эй Днепр!

Неча йиллар ўтасан шундан, айтгил,

Соҳилга югурасан, не тошнинг ундан, айтгил.

Деди менга у тўлқин тили билан безабон:

«Шаҳид ботир қалбини

Мен талпиниб излайман,

Ва тўлқинлар қўйнига жўйламоқни истайман.

Талпинган мавжингизда ҳасрат

кўндир тўлқинлар,

Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар!

## ПУЛАТ ТЎЛҚИНИ

Кечир ўқувчим,

сирим ўқувчим менинг,

Пўлатда не тўлқин бер, дея кулгувчим менинг.

Рост айтасан, пўлату темирда мавж не қилсин,

Муз сукутда

асрор кўн, аммоки авж не қилсин.

Мен дилбинман, дил кўзни

кўрар кўзим,

Ҳар торни қалб торндай чала олгайман ўзим.

Тўлқин урар ҳар бир жон агар жўшқин бўлса у,

Наво чиқар ҳар тордан бўлмаса гар бетуйғу.

Гар кўрсанг Мартен печин —

пўлат кўрани бир бор,

Металлнинг оташ тўлқин мавжи қилар мафтункор...

Запорожье!

Пўлат кони, мана кўр,

Бу сафар дил тўлқиним —

пўлат тўлқинингга жўр.

Едимда ўша соат, Мартен бўлди-ю, шаҳбоз

Қуёш қуши мисоли қафасдан қилди парвоз.

Сўнгра пўлат мавжланиб сариқ ёгдай эриди,

Цех товланди камалак жилвасидан ёриди.

Шундай ёришди-ки, у ожиз кўзни очгудай,

Шундай қизишди-ки, у кўкка оташ сочгудай.

Мисранг юзли йиғит шу ўт-оташни жиловлар,

Юзи, сочи, нигоҳи — оташ бўлиб товланар.

Пўлат тўлқин бошида эди у якка ҳоким...

Ишондим мен

Одамнинг пўлатдан зўр эканин.

Металл мавжи металлнинг дил оташни экан-ку,

Мижози-ла одамнинг у ўхшашни экан-ку.

Мен имон келтиролдим яна бир бор мустаҳкам,  
Слов, темир,

сдамнинг қудрати экан ҳамдам,

Надар панди каби чин ушбу ҳисмат — такбир ҳам:

«Одам гулдан нозигу

қаттиқроқдир темирдан».

Фалаккача мавжингиз чиқди сизнинг тўлқинлар,

Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар!..

### КУЙ ТЎЛҚИНИ

Биларсиз, таронаси бошласа ҳофиз агар,

Қилгай танбур торини дил ториға баробар.

Гоҳ шунчалар мулойим чаладики, торни,

Гўё хотири чалар дил бергану дилдорини.

Гоҳ гамгаи чертар торни оҳангларга жўр қилиб,

Гўёки маҳзун қалбини чертади тилиб-тилиб.

Шунтаки демас мардум ахир «Юрагим эзди

Танбурнинг келасию сирли рубоб овози».

Бу ҳисматни ўз таним-жоним-ла қилганман ҳис,

Май тунларин бирида лира чалиб гўзал қиз —

Дарё қўйнида дилим эритдики, у обдан,

Созни тобга келтириб, мени чиқарди тобдан.

Ибо билан чаларди саз торини меҳрли,

Чиқартгай тилсимдан куй имолари сеҳрли,

Лира торлари аро кўзим тушди юзига,

Мушкин сечи, қошлари, кўм-кўккина кўзига.

Лира торларимиди ёки зулфининг тори

Созга айланган эди унинг борлиғу бори.

Сеҳркорлик қиларди бир тарафда Днепр,

Ҳар тор жунбуши мавжу

дарё қатрасидир мавж.

Жишгалак сочда — тўлқин,

дарё — тўлқин, дилда мавж

қиларди авж.



Бағрига пинҳон кирди,  
Бу ҳолатга кўрган он  
Ларзага тушди бу жон,  
Кўз олдимида даҳшатли  
Ўтмиш бўлди намоён<sup>1</sup>.

Қорда таяқо боласи,  
Дарёга гарқ онаси,  
Бўрон оҳи, шамолларнинг поласи  
Мозий ёди келди боз  
Дилда ингранди овоз: «Катерина,  
Катерина!»

Сув юзида минг ноз-ла,  
Тўлқин билан парвоз-ла  
Чўмиларди, сочлари тўлқин каби уғриб мавзе.  
Дўстлар, биринчи бор  
Ойни сувда кўришим.  
Бу ҳолдан лол туришим.  
Шу дам бир йигит келиб,  
Болани кўтарди даст  
«Катерина!» деди-ю, наъра торди забардаст.  
Жарангли овоз деди: ҳосир  
Дарёдан чиқиб дарҳол,  
Қанот ёзиб қушсимон  
Бола томон югурди.

Бола хандон, у хандон,  
Қуёш хандон, сув хандон,  
Хандалар теграсида иқбел тобон.  
Менинг ҳам бахтим кулди,  
Дилга шу огоҳ бўлди:  
Яшасин мисли дарё —  
Катерина, Катерина!

---

<sup>1</sup> Т. Г. Шевченко дostonи қаҳрамони Катерина кўп суриштиришлар натижасида ўз маҳбубини топади, лекин у бола ва унинг онасидан юз ўтиради. Катерина болани қор устига қўйиб, ўзини дарёга гарқ этади.

## БИРОДАРЛИК ТҮЛҚИНИ

Юзинг қарогимда нақш, овозинг қулогимда,  
Хушбўйинг кетмас ҳамон

у яшар думогимда.

Сен томон тилпинар дил соғинч ўтар чоғимда,  
Улғайиб келдим, мана, юрибман сўроғингда.

Биродарим,

Биродарим, жону дилга баробарим!

Украина тунроғини излаб чиқдим қадам-қадам.

Эшиклардан изладим, ҳаттоки ҳар мазордан ҳам,

Мармар лавҳалардан ҳам излаб-излаб номингни,

Тополмадим, тополмадим,

нетай, ахир нипонингни,

Биродарим,

Биродарим, жону дилга баробарим!

Гўдаклигимда сен ахир барваста,

каттакон эдинг,

Қишлоғим аҳли ичра сен

ҳавасли паҳлавон эдинг.

Чизор — соябон эдинг,

мадори хонадон эдинг,

Камтарлигингдан кўзларга аммоки ноаён эдимг.

Биродарим,

Биродарим, жону дилга баробарим!

Қайда ахир мазоринг айт,

мазори хоксоринг айт,

Сўнги ўқ ботганида

ким суяди, каноринг айт?

Ерга йиқилган дамда ким

бўлолди тақядоринг айт?

Ким бор эди нигоҳингда,

ким эди интизоринг айт?

Биродарим,

Биродарим, жону дилга баробарим!

Сўроқлаган сўзим учун, хотириму

юзим учун





Гоҳ тошурлар ёшлик қалбидай жўшқин,  
Гоҳ хомуш тортишади —

манглайдаги ажиндай.

Улар дарё фарзандлари мисоли —  
Тўлқинларга тайёр қолип топилмас,  
Мен тўлқинлар этагига эш бўлдим,  
Қалбим улар билан...

ўзга шарҳ бўлмас...

Шаҳдингизга ошиқ бўлдим мен сизнинг,  
Аҳдингизга содиқ бўлдим мен сизнинг,  
Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар ҳей,

Тўлқинлар!..

## НУР ҚАСИДАСИ\*

### ДАРЕҒА МУНОЖОТ

— Вахш,

Суянган тоғиму бўстониим менинг,  
Ҳаётим, қанотим, дostonим менинг!  
Бир вақтлар ёш эдим, навниҳол гўё,  
Сен эса эдинг чўнг, азамат дарё.  
Бахмал эди менга тош-харсангларинг,  
Соҳилдаги қум — тиллорангларинг.  
Тонгдан-оқшомгача тупроқ, сувингда  
Чўмилиб, яйрардим илиқ ёғдунгда.  
Ёш эдим, лекин мен катталарсимон,  
Ҳурмат айлаб, шунда у обиравон  
Сувга қўлим уриб, лабга элтардим,  
Боболар одатин ёдда тутардим.  
Уйноқи тўлқининг хумори эдим,  
Учқур ўркачингда сувори эдим,  
Шўх, шошқин тўлқининг завқин севардим,  
Гоҳ сиртга, гоҳ тубга шўнғиб, сузардим.  
Дарё меҳрин сен қалбимга ўрнатдинг,  
Тўлқинларда сузинга сўнг ўргатдинг.  
Борлигим йўғрилган хоку сувингдан,  
Тапдаги қоним ҳам соф тўлқинингдан.  
Бўлай дейман сахий соҳил доимо.  
Бўлай дейман мусаффо, қалби дарё.  
Кам кўрмайман сени онажонимдан.

---

\* Дoston бир оз қисқарган.

Хияматингни азиз тутгум жонимдан.  
Қошингда турибман яна умидвор,  
Уша ёшликдайин айла эътибор,  
Дўстларга айлайман сендан армуғон,  
Мунаввар сатрлар ёзилган достон.  
Азиз Тожикистон онажонимга,  
Диярим тўйига, армуғонимга,  
Бир товоқ нур бергин, бўлай сарафроз,  
Нуринг билан тўйини қаршилай пешвоз.  
Тўлқин бердинг, энди бергин нуримни,  
Нуринг меҳри билан бер дастуримни!  
Одоб билан азмингга таъзим этдим,  
Пешона ва лабга қўлимни элтдим.  
Дилимда мавж урган армоним билан,  
Орзуим, матлабим, достоним билан  
Кўксимни тутдим мен нур дарёсига,  
Дарёмас, балки ёғду дунёсига.  
Топдим: нур, қадим дур — меҳрим қуёши,  
Бўлғуси достоннинг тожи ва боши.

### ЗУЛМАТ ИЧРА НУР

Зулматдан — зулмни ва эркини — нурдан,  
Инсофдан — ҳақ, ҳақсизликни — гурурдан  
Бунёд этди одам одамлар учун,  
Еру осмонни ул яратган йўсин.  
Эрку ҳақ ҳар ерни айласа макон,  
У ерда яшнайди ҳар уй ва жаҳон.  
Ўтмишни келтирсам агар ёдимга,  
(Келур чўғ тутуни буруқсиб олдимга.)  
Озодлик қул эди, зулм эди ҳоким,  
Амир қиличига айланган золим.  
Қилмиши эди зулм, бедодлик, оғу,  
Халқ куни кечарди тундай қоронғу.  
Эл ўйи ёруғлик кўйида бўлди.  
Толе истаб, худо ўйида бўлди.

Истади қалбларнинг қўрини инсон.  
Заминга бахш айлаб этса нурафшон,  
Оллоданмас; унга оддий одамдан,  
Беркиниб ётарди ерда қадимдан.  
Юз йиллик оловни у тирилтирди,  
Юз пора ёғдуни жилвалантирди.  
Темирчи қўл урса, аҳд қилса деҳқон,  
Эрк меҳри яшнар она меҳрисимон.  
Тун қизиқ қоронғу ичра лол эди,  
Нур зулмат қаърида бемажол эди.  
Балжувон тоғининг устидан бу тун  
Гулхан олов олиб сочарди учқун.  
Ўт ердан кўк сари кўтариларди,  
Саркаш Восе каби ёниб ўрларди.  
Шу ўтдан, қайсиким ёнган кечаси,  
Ғазаб оташидан кучли шуъласи.  
Тоғлардаги зулмат бўлар мунаввар,  
Эл яшнаб кўринган ўтга йўл слар.  
Қолдирди қўшини қўшчи мард деҳқон,  
Омоч дастасини айлади камон.  
Қиличга айланди деҳқон ўроғи,  
Ғазабга айланди ёрлар фироғи.  
Хатлон эли қалқиб турди оёққа,  
Оташқалб халқ юрди ўт ёнган ёққа.  
Йиғилди курашга азоб тортган эл,  
Эрк истаб пешвога борар боғлаб бел,  
Раҳнамо эди мард, шеркелбат, ўктам,  
Самаи отда жангга қўйганда қадам,  
Эзгу она ерга меҳри беқиёс,  
Отда ҳам заминга қўярди ихлос,  
Ўт ёнида турар эди оёқда,  
Гўё оллонинг олдида турмоқда.  
Ерга томир ёйганди бу шамшердаст,  
Дилда чўғ ёндирди бу оташпараст.  
Тиззасин тупроққа қўйиб ногаҳон,  
Пок нурга ибодат қилди у шу он.

Деди: — «Дўстлар, мен Ватан номи билан,  
Ениб турган бу ўт ҳурмати билан.  
Онт ичгум тож-тахтни келтирмам дилга,  
Орзум бахш этмоқлик еру сув элга.  
Еру сувнинг ҳурмати учун, дўстлар,  
Қаби, жангга туринг бугун, дўстлар!»  
Смин қилди, смин олди мардум ҳам,  
Эл эгарга кўтарилди жамулжам.  
Бўлга олиб машъални даст кўтарди.  
Машъал йўлда қўлдак-қўлга ўтарди.  
Кейин қайнаб-тошди назаб дарёси,  
Машъалистон бўлди зулмат дунёси.  
Шу кун, шу жанг унга бериб куч, ёрдам,  
Нур талабгориари бўлишди ҳамдам.  
Уша тўқнашувда Балжувон мири,  
Йўқолди — ҳал бўлди ёвуз тақдири.  
Уша кўр Аллаёр, сарбоз сардори,  
Эгардан йиқилиб бўлди ер хори.  
Деҳқонлар чиқишиб қуролсиз йўлга,  
Ўроғу болтани олишиб қўлга,  
Қаттиқ жанг сўнгида олди Хатлонни,  
Тертиб олди ёвдан еру сув, донни...  
Эл чиқиб Хатлондан юрди довонга,  
Азиз тожик ери Ҳисор томонга,  
Восе олдда, мардум бёрди йўлидан,  
Ўроқ, чўкич, калтак тушмас қўлидан.  
Ўришга ишланган ўткир ўроқлар,  
Янги ой чиққандай қўлда ярақлар.  
Машъаллар шуъласи ўйнар дарёда,  
Сомон йўли қаби арши аълода.  
Кўк пастлаб тушгандай заминга бу тун,  
Қўл келди наанада турган ёв учун.  
Паст дарё, баланд тоғ, йўл эса тор-танг,  
Ердан-ойгача йўл эди тош, харсанг.  
Пули Сангини — кўприк сипоҳ қошида,  
Тугун эди икки йўлнинг бошида.

Шу чоқ бирдан ўт чақнади осмондан,  
Ажал сели ёғилди ҳар томондан.  
Сарбоз халқни қўймай тоғдан чиқишга,  
Евуз найрангини соларди ишга.  
Уроқлар сафига қилич ёғилди,  
Сафлар шикаст топиб, йўллар ёпилди.  
Тўкилиб эл қони, сафлар бузилди,  
Тошларда қон сизиб, бошлар узилди.  
Армонли дил мангу уйқуга кетди.  
Бир гуруҳ мардни сув тўлқини элди.  
Бир гуруҳ тор жойда ушланди ноцер,  
Бир гуруҳ жанг қилди ёв-ла шиддаткор.  
Бегуноҳ халқ охир бўялди қонга,  
Бахт кутган эл дучор бўлди ёмонга.  
Йиқилди шу жойда жанглар маҳали,  
Йўлларни ёритган мардлар машъали,  
Айланди хоклари кейин шамолга,  
Айланди чўғ яна орзу хаёлга.

## ТОНГ НУРИ

Йигирманчи аср эди. Бу хонадон  
Дўст тутарди қадим одатни ҳар он.  
Восе ҳалок бўлган у қаро кундан,  
Тўкилган соф қону манфур ҳужумдав,  
Афсона бўлганди иқбол индоси,  
Ҳофия шеъри эди уйнинг зиёси.  
Бор эди шам, парвона ва вайрона,  
Йўқсиллар хаёли эди сув, дона.  
Қизгин суҳбат кетиб даврада оқшом,  
Восе ёдин эслар эди халқ мудом.  
Дардли эл унутмас кураш айёмин,  
Эсларди Восенинг мўътабар номин.  
Йигирманчи аср, юртга навбахордан  
Мужда келди Бухорою Ҳисордан.  
«Жонга битган бало амир йиқилди,

Тоғлик юртимизга инқилоб келди».  
Шайх деди: «Эй худо фақирларисиз,  
Келди охир замон, битгай кунингиз,  
Қўзғолинг ғазога — жангга, мусулмон,  
Тоғларимиз эрур ёв олмас қўрғон!»  
Бой деди: «Келди куфр, билинг оломон,  
Емирилар мўминлар мол-жонни бу он».  
Халқ деди: «Инқилоб — бу биз, эл эрур,  
Бедиёнат амирга душман бўлур.  
Восечилар бизга қадрдон эрур,  
Уларга зид борган, у нодон эрур».  
Йигирманчи аср, юрт бурканган гулга,  
Душанбедан чиқди отличлар йўлга,  
Хурриятни элтар улар Хатлонга,  
Нур элтади улар тоғ, шабистонга.  
Янги аср ўтарди кўҳна тоғлардан  
Халос айлаб элни ёв, яроғлардан.  
Тоғу даштлар яшнаб, баҳор кезарди,  
Чоллар ўзни йигитлардек сезарди...  
Оҳиста кеч кириб, кун нурин йиғди,  
Кўҳи Нор ортидан янги ой чиқди.  
Қалқир Пули Сангин кўприги ночор,  
Тебраниб турарди ўтса ким ҳар бор.  
Сув устида туриб хизмат этарди,  
Савоб ишга куч ёрдами тегарди.  
Тинч йўл эди, тошлоқ эди ҳар ёғи,  
Жанг қиларди тош-ла отлар туёғи.  
Отлар нағалидан сачрарди учқун,  
Акс садо тоғларда кўтарар шовқин.  
Тўдага қўшилиб яна ўн тўда,  
Яширин бўлгандай ҳамсафар йўлда.  
Найзалар шуъладай ёниб порларди,  
Оқшомни оҳиста нурга чулғарди.  
Бу садо, бу шуъла, бу зумлатли тун,  
Гувоҳ бўлди тунда эсланди у кун,  
Бир замонлар бу тош йўлда қизиб жанг,

Бўлганди хоки эл қонидан ол ранг.  
Халқ бугун бу ерга келди шод, хуррам,  
Истиқбол йўлига қўйганди қадам...  
Тун эди, эртаси кундузи эди,  
Чиндан ҳам элнинг чўнг наврўзи эди.  
Кундузи бошланиб, тоғларга наҳор  
Йигирманчи аср келтирди баҳор.  
Кўлоб йўли гавжум бўлиб бу замон  
Тутган эди тоғу даштин оломон.  
Тўда-тўда келар эди одамлар,  
Саҳро бўйлаб, яқинлашиб қадамлар.  
Жанглар битган, сокин дамда бир замон,  
Кўтарилди сафдан лоларанг алвон.  
Ухшарди, у алвон қизил байроққа,  
Бу дўстлик рамзидир, ёрдам бермоққа.  
Келган қўшин айлар хизматин аён,  
Россия Хатлонга дўсту қадрдон.

## ЙЎЛДАГИ НУР

### I

Сибирдан тожиклар тоғига қадар,  
Ангарадан тоғлик Вахшгача сафар —  
Бир вақт олис эди, йўли бепарвон,  
Етмасди бахш этса умрини инсон.  
Лекин бир қиз уни бир тонг палласи,  
Ота-она кўрки, топган дунёси,  
Лена тилло конларининг чирсийи,  
Йўлга чиқиб, қадди расо, киройи.  
Бир тонг чоғи келди олис дунёдан,  
Нур йўлида яралгандай зиёдан.  
Келди Норак, баҳор шаҳрига дилбар,  
Ери гулгун бахти кулган мунаввар.  
Тош устида ўсган бодом ниҳели,  
Баҳор элчисидир — гулшан жамоли.



Нор шаҳрининг атрофни баланд тоғ  
Ўраб этган қалъа, ёзиб кенг қучоқ.  
Вахш эса тор жойдан тортиб минг азоб,  
Азму шиддат билан борарди шитоб.  
Сукут билан мағрур туриб Кўҳи Нор,  
Сув, одамга қилмас эди эътибор.  
Ким қилолса тошдек юракка асар,  
Ундан албатта у айлайди гузар.  
Лена, қўли гул қиз, чечан, дилрабо,  
Мушкул ишни дилдан этди муддао.  
Иш майдони — кориз, кураш майдони,  
У ер эмас анқиган гул бўстони.  
Илиқ эмас, сочмас нурини офтоб,  
Заранг жой у, заҳ, салқини беҳисоб.  
Ўйламайди қиз фойдаю зиёни,  
Излар замин фарзандига зиёни.  
Коржомада пинҳон эрур чиройи,  
Харсангларга қарши турар иш жойи.  
Совуқ, хомуш тоғ дилини қиз қучар,  
Кўкиш, ёлқин учиб, харсанглар кўчар.  
Мангу соя хомуш жойни бегумон  
Кўмиб ёғдуга у айлар нурафшон.  
Ишга тушса турбиналар гуриллаб,  
Қанот ёзар элга чексиз нур йўллаб.  
Тоғ атрофин ўраб ёғду сарбасар,  
Қолмас унда қоронғиликдан асар.  
Қанот ёзар қайта орзу дунёси,  
Шуъла ичра отасининг сиймоси.  
Сўнгги марта дийдорини кўрсатар,  
Қаттиқчилик, оғир йиллар, жанг борар.  
Ярим кеча, ширин уйқу, ногаҳон  
Кимдир бошин туртар, уйғониб шу он,  
Кўзин очар, ёниқ турарди фонарь,  
Тепасида таниш чеҳра жилмаяр,  
Баҳор каби яшнаб, хурсанд турарди,  
Момосини қучиб, дилбанд турарди.

«...Хайр, вокзалдан бир нафасга келдим мен,  
Поезд жўнар, менга рухсат, жилдим мен...»  
Хайрлашиб ота йўлга қўзғалар,  
Орқасидан она ғамгин жим борар.  
Тун қоронги, порларди ота кўзи,  
Она йиғлар, жилмаяр ота юзи.  
Гўдак уйқусидек шириндир келмоқ,  
Емондир юлдуздай йилт этса бироқ.  
Кетгани, сўнг қайтмаганиги шу он,  
Соғинган кўзида бўлар намоён...  
Янгради улкан МАЗ овози бирдан  
Элтди у жимликни хомуш тош ердан.  
Гулдираб кучайиб, яқинлаб овоз,  
Тор харсанг ғор ичра айларди парвоз.  
Бездиради ўрганмаган қулоқни,  
Зўрлигидан зириллатар тош-тоғни.  
Кабинадан бошин чиқариб Баҳор,  
Салом айтиб дейди: «Салют, комсомол!  
Ишлар қалай кел тўққида кинога!..»  
Лена бошин эгар ризо маънода.  
Шу чоқ ёндан узоқлашар таниш сас,  
Мисли «Амур» номли оромжон вальс.  
Дилу қулоғида ёқимли янграр,  
Олам-олам ором билан жаранглар.  
Иш тугайди, чиқар сиртга кориздан,  
Офтоб мисол нур чарақлар кўзидан.  
Қуёш пастлаб унинг сўнгги нурларин,  
Уйнар дарё, қучар шўх тўлқинларин.  
Дарё суви ўхшар эди гулобга,  
Келтирарди элни ғайрат, шитобга.  
Янграр темир жаранггоси дарёдан,  
Унинг кўзи яшнаб кетар зиёдан.  
Юрагида жўшар эди завқ, ҳавас,  
Олар тоғнинг гул ҳидидан қушнафас.  
Машинада борар йиғиғлар билан,  
Баҳор ўйи жой олганди дилдан.

Бошдан олар темир қалноғин дилбар,  
Инак сочи яйраб, шўх елдан ўйнар.  
Дур сочарди унинг қадди раъноси,  
Нур сочарди юрган йўли, маъноси...  
...Ўтди куну ўтди ою, ўтди йил,  
Ўтди тўрт йил жўшқин меҳнатда шу хил.  
Кўрди тўрт йил кўп шарафу, кўп азоб,  
Охир этди тоғу тошни у хароб.  
Кейин келди ўша томондан жавоб,  
Гўё чиқди тоғнинг қаъридан офтоб.  
Икки ёндан пармачилар бир саҳар,  
Тоғ бағрида дуч келишди сарбасар.  
Сутдай оппоқ порлаб кетди сув йўли,  
Ўқдай учқун сочар пайвандчи қўли.  
Кекса тоғдан парвоз этди чўнг олов,  
кўтаргандай тоғда нурдан қиз ялов.  
Лена!  
Пайвандларинг учқунидан бу замон,  
Сўнгги тунда олов урлар кўк томон.  
Сомон йўли каби бўлар мунаввар,  
Ортда қолар хавфу хатарли йўллар.  
Бўлар элнинг тоғлик йўллари обод,  
Азоб тортган элнинг руҳи бўлар шод.  
Восе руҳи, Ленин йўли йўлингдир,  
Аждодларнинг йўли орзу кўнглингдир...

## II

«Лена, айт-чи, ёри меҳрибонгинам,  
Билармисан, бу катта йўл жонгинам,  
Не куч билан, қай қудрат-ла қурилган  
Ким бошлади, кимлар тугатди экан?  
Бу йўл бошида кўп қонлар тўкилган,  
Тарихида эл жанглари битилган.  
Гоҳо замон бўлган чархи кажрафтор,  
Гоҳ эл йўлда бўлган унга умидвор.

Эрк дея мардларнинг қони тўкилган,  
Жангларда ёвларнинг қадди букилган.  
Гўё Сухроб қонини  
Рустам тўккани мисол.  
Дуч келганди нурбахш бу йўлларда кўп,  
Яхши дамлар билан ёмонликлар кўп.  
Бир вақт кийик ўтар тоғ довонидан,  
У хатарли гузаргоҳ томонидан.  
Аскар келди гоҳ улоқда, гоҳ яёв,  
Элда эса изғир эди ёвуз ёв.  
Белда қилич, елкасида камони,  
Кифтда чўқмор, қўлда юган, арқони.  
Ҳунарманд йўл қурувчилар келишди,  
Тоғ бағрига чодирларин қуришди.  
Дашт мардлари тоғдан кўчириб харсанг,  
Метин тоғлар билан қилар эди жанг.  
Эски йўлни беватан — ёв мурдалар  
Изларидан тоза айларди улар:  
Қонхўр Чингиз изидан пок этарди,  
Ёвуз Заҳҳок доғидан пок тутарди.  
Йўлда қотган жаҳонгир шоҳ Искандар,  
Қиличининг изларини йўқотар.  
Тоза айлар элни Анвар изидан,  
Йўқотарди уни тоғу тузидан...  
Дўстим! Қара қадимдан бу маконда,  
Тилсиз тоғлар дарди ошиб жаҳонда,  
Кўтарарди эллар дилидан фиғон,  
Тугамасди оғир дарди ҳеч қачон.  
Келиб доҳий буйруғи-ла бу лашкар,  
Қўҳна дардни даволашга киришар.  
Тозаларди сийналарни, тоғларни,  
Тозаларди ойналардан доғларни...  
Очди дунё томидан ул янги йўл,  
Паст тушиб ой йўл устига берди қўл.  
Вахт йўлини айлади у тахт-тайёр,  
Тоғлар аро ўтиш учун гузар бор.

Золимларга даҳшат солган паҳлавон  
Восе руҳи бўлар йўлда намоён.  
Чўққилардан ўтиб Ленин раҳнамо,  
Боқар нурдай тоза йўлдан доимо.  
Ўтсин Пушкин кифтга ташлаб камзулин,  
Ўтсин босиб оллодек тоғ манзилин  
Бесадо, беун...

Олис бу йўл яқин этсин сўнг ўзин,  
Дил йўлидир янги дунё йўллари,  
Эл йўлидир янги дунё йўллари.  
Йўл тарихи — эл тарихи этилган,  
Сатрлари фарсанглардан битилган.  
Сими — тордан, оҳанглардан битилган.  
Хат остига икки рангли ҳарф билан  
Тош устида муҳр каби из қолган.  
Изтиробли содда бу икки сатр,  
Эллар инқилобин айлайди тасвир:  
«Айладилар тоғни ер билан яксон,  
Элтдилар тош йўлни Хатлонга томон,  
Сибир қаҳрамонларин ворис мардлари,  
Сибир конларининг мард фарзандлари...»  
Лена! Тош устида бугунга қадар,  
Ор-номусдай у тош хату оташ сатрлар.  
Бу ватану бу халқу суву ерни,  
Қўриқлайди эзгу тутиб тақдирни.  
Ақли расо Ленин яшнаб жилмаяр,  
Мийиғида ширин кулиб, сўнг деяр:  
«Ширинзабон шоир билмасанг, билгил,  
Отам ўша жанггоҳда бўлганлигин,  
Йўли тождор чўққилар оша кейин  
Мени бу диёрга келтирганлигин.

\* \* \*

Шом эди, тинч сирли баҳор оқшоми,  
Экилган дон униб чиққан айёмки.

Олмазорлар, яшнаб, очилиб гуллар,  
Хонишини бошлаганди булбуллар.  
Вахш сувида чўмиларди оймоме,  
Нуридан сув жилва айлар, таманно.  
Анор чеҳра дилрабо қиз бор эди,  
Кўркидан ер хўшбўй чаманзор эди,  
Тоғ бағрида сувга сирин айтар қиз,  
Ёшлик севгисидан бошлар эди сўз.  
Сокин баҳор тунларида у дилбар,  
Елиб-югуришдан қалби ҳаприқар.  
Эсар эди майин муаттар шамол,  
Орзу боғи яшнаб кўрсатар жамол.  
Боғ ичкарасида бор эди мактаб,  
Ёшлар учун эди эзгу жой, матлаб.  
Эртаю кеч азон ўрнига ҳар чоқ  
Бонг урарди янграб катта қўнғироқ.  
Тонгдан берар болаларга у хабар,  
Оқ-қорани, касб-ҳунарни эслатар..  
Шом эди тинч, олам оларди ором,  
Тун файзида масъуд, омонлик айём.  
Охирги дарс айни бошланар бирдам,  
Майин куйлар билан тўлганди олам.  
Худди осмон балосидай ногаҳон,  
Янги йўлда, замон йўлида шу он,  
Пайдо бўлди талончилар тўдаси,  
Отлиқ, ёвуз ниятли ҳар биттаси.  
Бошлиқлари эди Фузайл-девона.  
Ўзи шу ерлигу лекин бегона.  
От қўйишди улар мактаб томонга,  
Ўраб олиб, соқчи қўйди ҳар ёнга.  
Отдан тушди, тўғрилади салмасин,  
Ҳазаб билан тепди эшик палласин.  
Қузғун каби ичкарига интилди,  
Орқасидан одамлари тикилди.  
Чироқ нури қалқиб кетди ногаҳон,  
Бу ҳолатдан бўлди болалар ҳайрон.

Деди: «Оҳо, етилиб гул бўлибсан,  
Лол эдинг сан, энди булбул бўлибсан,  
Тавба қилдим, бир заифи муштипар  
Ота именига шубҳа келтирар.  
Шайтон баччаларга берар дарс оғу,  
Худо қасдига куфр китобидан у.  
Тавба қилгин Сайрам, ҳали кеч эмас,  
Ҳақ лутфининг эртаю кечи бўлмас.  
Тавба қилгин!

— Узинг тавба қил, ифлос!

Гуноҳга ботгансан, мен покман, бу — рост!  
— Сен ҳаёда тенгмас, беор экансан,  
Дин душмани, кофирга ёр экансан?  
Ушланг уни!

Қиз қўлини тутдилар,  
Гўдаклар йиғлаб, фарёд этдилар,  
Инглизча қуролланган уч сипоҳ,  
Ҳимоясиз уч муаллимни ногоҳ  
Олиб чиқиб, сўнг у ердан кетишди,  
Қора кучлар уч нурни йўқ этишди.  
Қолди дарсхона бекитоб, беқоғоз,  
Қолди мактабу шогирдлар беустоз.  
Хувиллаб бўш қолди қадрдон чорбоғ,  
Милтиллаб турарди ёлғиз бир чироқ...  
Субҳидам. Бозор ғам-оташзор эди,  
Ўртада уч қизу учта дор эди,  
Атрофда турарди хомуш оломон,  
Дилларни қоплаган эди дард, фиғон.  
Тугилган эди ул қуроленсиз қўллар,  
Қалқонсиз сийналар қаҳрини йўллар.  
Қизларнинг ғазабли камон қошлари,  
Оналар кўзининг тинмас ёшлари.  
Халқининг вафоси аёндир ҳар дам,  
Букилмас қудрату ночорлиги ҳам...  
Шу маҳал тортилди имо-ла бирдан  
Қизлар бўйнидаги сиртмоқлар ердан.

Осилган таналар бўл, дерди, гувоҳ,  
Евлар элга келтирди қанча гуноҳ.  
Оёқлар тебранар дорда безабон,  
Олдинда нима бор, мавҳум, ноаён.  
Тебранар уч қизил кўйлак ҳавода,  
Товланар ёнгандай гурлаб оловда.  
Халқ эса турарди бош эгиб ҳамон,  
Бу жимлик дилларда кўтарар туғён.  
Қуролсиз муаллим иккинчи кеча,  
Чиқди жангдан қаҳр-ла дарёни кеча,  
Ёлғиз қочиб борар эди тунда зор,  
Тортиб бу — схираат дунёдан озор.  
Кўз олдидан кетмас қонли кўйлақлар,  
Чўғ эди, ёнарди ундан юраклар...

#### ЧУҚҚИЛАРДАГИ НУР

Назар бсбо уйи тўйхона эди,  
Тўйи кўп сирлию афсона эди.  
Зоҳирен тинч эди дилкашу дилдор,  
Икки қоши аро икки тугундор.  
Зўр берарди очсин деб қиз юзини,  
Билдирмас пияҳона жаҳди ўзини,  
Такрорлаб Мустафо номин тилида,  
Қазодан у ваҳма тортар дилида.  
Уйларди ёлғиз қиз — гули раъносин,  
Синдирмаса эди умр савдосин.  
Чой ҳўплар айвонда ўлтириб шу дам,  
Куёв жўралари бўлиб хотиржам.  
Отага жўраю пайванд бўларди,  
«Қаламкашдан» чексиз хурсанд бўларди.  
Бу тўйда ким эди ёлғиз ёш дилдор,  
Хазондан қўрқмаган мисли гулбаҳор?  
Мавжигул...

Бу номнинг тавсифи бўлмас,



Кўркига сўз ожиз, тасвири бўлмас.  
Уни санамсимон ясантиришди,  
Худодан бахту саодат тилашди.  
Атрофин ўрашиб, бўлиб гиргиттон,  
Аёллар бўлишди ҳамроҳи шу он.  
Кўнглини кўтариб кўндириб сўзга:  
Насиҳат қилдилар содда, ёш қизга.  
Йўлни кўрсатарди унга бахт, толе,  
Шундай ўзга эди бошда хаёли,  
Куч келганди тўй базмига аҳволи,  
Ҳовли юзи жам даврининг чўғидан,  
Ёнар эди бесас,

дарду аламдан,  
Қадимий пок гулхан ёнар гуриллаб,  
Чиқар эди юзлаб учқунлар сачраб.  
Мавжигул юзи ол, чўғдай ловуллар,  
Ўзин ўтда ёнган кабобдай билар.  
Юзин яллиғлатган олов шуъласи,  
Кўтарар дуд қора сочин шарпаси.  
Олисдан кўринар кранлар қатор,  
Баландликда эди мисли Кўҳи Нор.  
Ёришиб биттасин чироғидан йўл,  
Нигорон кўзига нур сочарди ул,  
Ўша олис чироқ унинг кўзида,  
Яқин олов унинг виждон сўзида,  
Хаёлида ота номин ҳурмати,  
Қўрқув чоғи йўл излайди журъати.  
Хаёлида кезар совчи сумбати,  
Юрагида ёрнинг соф муҳаббати,  
Танлаб яқин ишқ йўлини кўчадан,  
Савоб йўлни топди гуноҳ ичидан.  
«Дудли ўтда ёки куйиб ёнарман,  
Ёки ундан пок ёғдуни топарман!»  
Туриб дадил хайрлашди хона билан,  
Дил амри-ла кетди бегона билан.  
Аҳволи қиссасин қисқа айтди у,

Нотинч дилин этди унга рӯбарӯ!  
«Юнус ака, сен ҳозироқ етиб кел,  
Гар келмасанг, паноҳинг худога, бил.  
Душанбега кетди ёрим бегумон,  
Сендан ўзга йўқдир менга меҳрибон.  
Мавжигулман, ўтинаман, кел бу ён!..»  
Берди дардли хатни ини қўлига,  
Ишонарди унинг ёрдам йўлига.  
Аёллар гурунги, тўй мадҳи «ёр-ёр»,  
Айларди тоқатни нотинч, беқарор.  
Жону дилин бахш айлаган кунларин,  
Кўз олдида кўрарди учқунларин.  
Гуллар атри, тоғ ўркачи довоилар,  
Гул юзидан нақш олганди алвонлар.  
Чўққиларда қийғос очилган гуллар,  
Чўғ мисоли ял-ял ёнган лолалар.  
Жуфт кетишиб, лекин ёлғиз келиши,  
Ёрининг иш жойига тунда етиши,  
Ёрда туриб кран томон боқиши,  
Кўкдан ерга нигоҳ айлаб туриши,  
Ёр бағрига етмоқ энг юксак орзу,  
Ёрда тоғдан, элдан баланд турар у.  
Баландликда ишқ у икки дилбарни,  
Эслатарди учган бир жуфт каптарни,  
Аввал кунги унинг аҳду паймони,  
Бу тун эса ушалгани армони.  
Рангсиз гулга ўхшар эди Мавжигул,  
Истаги кўп, етишмасди вақт буткул.  
Унаштириб тўй хатмини ўтказди,  
У бадафтни қаршисига етказди.  
Гўрдан чиққан овоз каби хутбани,  
Тушди қишлоқ муллоси ўқигани,  
Жим эди уй, эшикка қўл уришди,  
Гўё қазо эшигини очишди,  
Нораклик ёш олти ботир комсомел,  
Бир ҳовлидан чиқиб қолашди дарҳел.

Нафасини ютди бирдан домулло,  
Қулоғига ўқдай кирди бир нидо:  
«Юнус ака! Сиз кечикиб келдингиз,  
Кечикибмас мисли тақдир келдингиз!  
Хуш келибсиз, хуш келибсиз...

у турди,

Чиқиб уйдан машинага ўтирди.  
Машинаси узоқлашди шу соат,  
Бу тунги тўй бўлди ҳаммага одат.  
Бу хабарлар сергап аёллар ичра:  
Тилдан-тилга кўчиб тинмади сира,  
Таъналар қилишди Назар бобони,  
Минг бор такрорлашди, ғийбат, иғвони,  
Лекин Норақ аҳли қизни қутлади,  
Нур яратганлар қалбдан ҳурматлади.  
Унинг кетишига биров келтирса гумон,  
Бошқаси келтиради ишоначу имон.  
Бирини дер: «Бундан қочиб кетди у,  
Уйини обрўсини тўкиб кетди у.  
Бошқаси дер: «орсиз биздан йўқолди...»  
Кўзгуда доғ эди кўздан йўқолди...»  
Ез палласи, оқариб тонг, тоғу тош,  
Чиқар бошқа бурждан Норақдан қуёш.  
Меҳри юксак, соҳибжамол, назанин,  
Ўлтиради кранда шод, наст замин.  
Гир айланиб майини қўлига шу чоқ,  
Бўй эгарди чўнг қудратли темир тоғ.  
Одам азму разми беқийёс нечоқ!  
Икки дилдор Мавжигулу ҳамда Ер,  
Икки тенг ёш, шоҳсувори, бахтиёр.  
Яратдилар ўхшашни йўқ чўнг бино,  
Ўз уйларин бирга эгдилар бино.  
Тубан кетди элнинг ноҳақ ғийбати,  
Соф кўк бағри бўлди улар хилъати.  
Чаллилар қулоққа шпакдай овоз,  
Оқшом ерга ёзар оқсига палос.

Порлар юлдуз — порлар унинг юлдузи,  
Нурдан бино бўлган дунёсин ўзи...

## ЕР ОСТИДА НУР

*Нур Аҳмадовга*

Бошида ярашиқ темир қалпоғи,  
Ер остига йўл олар Нур тонг чоғи,  
Енида тўрт дўсти, бири-биридан  
Чўнг азамат, бир элнинг тўрт еридан.  
Волга соҳилидан, рус диёридан,  
Рус дарёларин энг улуғворидан.  
Енисейдан, чўнг нурхона макондан,  
ДнепроГЭСдан, у шуҳратли томондан,  
Тўлқин отган жўшқин, тинч оқар Дондан,  
Сокин дарё бўйи, оромижондан.  
Келишди баҳорда Вахш соҳилига,  
Нур таратган она эл жамолига.  
Тўрт дарё бир дарё бўйига келди,  
Нораклик ҳамкор Нур уйига келди,  
Кўрдим тонгда туриб йўл олганларин,  
Иш жойига — тоққа чанг солганларин.  
Бир четда қолганди гурунгу ҳазил,  
Дилларни банд қилган нурхона манзил.  
Ҳаёт бир хил, ишу виждон ҳам бир хил,  
Хатар келса нафасу жон ҳам бир хил.  
Қувноқ Мороз<sup>1</sup> дейди: — Жоним Нури, кел,  
Олдимга ўт, йўлни равшан айлагил...  
Нур дейди: — Қўлимдан тутгин, эй Мороз,  
Кўзни юмиб, юр ортимдан, бўлур соз,  
Учар кулги, янграб тепадан овоз,  
Акс садоси тоққа айлайди парвоз.  
Сирли кориз қазмоқ эрур афсона,

---

<sup>1</sup> М о р о з — туннель қазувчилар бригадири.

Бўлар ёруғликка зулмат ҳамхона.  
Нур юракдан яйраб, қувнаб куларди,  
Кулгисидан тошлар тоғдан қуларди.  
Нурнинг кулгисидан сочиларди нур,  
Зулмат эса ундан парпираб ёнур.  
Қоронғилик мисли темир тўрсимон,  
Бўлар ўтли нигоҳларда намоён.  
Камон ўқи каби чақнаб ногаҳон,  
Кўкиш пайванд чўғи учар ҳар томон,  
Учқунидан одам кўриниб шу он,  
Сўнг яна зулматда бўларди ниҳон.  
Вазмин нигоҳларга чўкарди ҳайрат,  
Ёнимда эшитдим овоз шу соат,  
Нур ўша меҳрибон, соддалик билан,  
Дерди одамийлик такаллуф билан.  
— Найновим, Морозим, юр бошни эгиб,  
Токи чўққиларга қолмасин тегиб.  
— Бошидан йиқилса ерга Кўҳи Нор,  
Қаттиқ бу каллангда топади қарор,—  
Сўзлар Мороз, яна кулги гуриллар,  
Кулги кўчган харсангларга урилар.  
Олдиндан гуриллаб келарди садо,  
Лекин бир машина орқада пайдо —  
бўлиб, ёнимизда тўхтади бирдан,  
Бизлар кабинага чиқиб у ердан,  
Боқардик харсангли силсилаларга.  
Хаёллар кўчарди афсоналарга,  
Жимгина ўлтириб йўл босардик, йўл,  
Кўзларга кўринмас тош ичра буткул,  
Қоронғилик элтар сукут домига,  
Кулгулар йўл очди сукут комига.  
Пармачи дастгоҳин садоси билан,  
Кўтарилди сукут тоғлар бағридан.  
Олти найза, олти олмос тиш парма,  
Метин харсангларга қиларди ҳамла.  
Қаттиқ эди тоғнинг тош бўлаклари,

Адо бўлмас эди зарра гўлаклари.  
Авж олиб СБУ дастгоҳи кейин,  
Жим бўлди овози насайиб секин.  
Яна сукут дами бўлди ҳукмрон,  
Янграр эди саси қулоқда ҳамон.  
Олмосранг қатралар бўлиб шашқатор,  
Юздан қуюларди, ювилиб губор,  
Нурни кўрдим: ойдай ёришган юзин,  
Ярмиси учқундан бекитган ўзин,  
Худди қора қоплагандай юз-кўзин,  
Ярим юзу сочига оқ оралаб,  
Нурнинг қора кўзи шу чоқ чарақлаб,  
Нур, умид ёғдуси ёнди ярақлаб...  
Қоронғилик ва ёруғлик ерида,  
Жон олар у қийинчилик ерида  
Нур деди: — олға ўтинг, автоматчилар...  
Бирдан турар беш нур таратувчилар,  
Пармаларни қўлларига туттишган,  
Дастакларин тутиб қалқон этишган.  
Учларини тоғ бағрига қадашган,  
Гуриллашиб, бари ишга тушишган.  
Қўпорарди тошни тинмай ҳамласи,  
Титрар барин сочу соқол, гавдаси.  
Хасрангларга чанг соларди пармалар,  
Юзма-юз, ёнма-ён туриб интилар,  
Бени баҳодир ёғду ижодкорлари,  
Нур йўлини очарди азму корлари.  
Кўчар эди тошлар бағридан тутун,  
Юзлар нурдан кўку қизарган бутун.  
Порлаб худди йўлчи юлдуздай кўзлар,  
Зулмат ичра сузиб, нур йўлини излар.  
Парма гуриллар, борлиқ дириллар,  
Харсанглар қулар.  
Инсон кўкси мисли тез оқар дарё,  
Севги жойи буюкликка кенг дунё.  
Диллар талпиниши мавжида ҳар он,

Чексиз оламда  
Акс эгар замину осмон,  
Жой олар жаҳон...  
Дил қошида нима эрур еру сув,  
Тоғу тошлар жонсиз ҳайкалмасми у?!  
Вақт китобида ул ҳисоб якуни эди,  
Мингинчи кун эди.  
Соат олти, етди бу зафарли он,  
Худди оғир вақтда қучган каби шон —  
Брестдай, шухратли жанглардек чунон...  
Кечқурун ҳорғину лекин бахтиёр,  
Ер ости жангидан тошиб эътибор,  
Тош йўнувчи тўрт мард билан шод, хушҳол,  
Бир Ватан соҳиблари ичра баркамол,  
Нур чиқади ер остидан етилиб,  
Нур тушади кўкдан зулматни тилиб.

### ХОНАДОНДА НУР

Тинчиди тўпларнинг оташ, гумбури,  
Тинчликка йўл берди жанглар охири,  
Инсон қўли бўлди жанглардан озод,  
Уйлар, вайроналар бўлди сўнг обод.  
Шаҳарлар бўлганди ер билан яксон,  
Тикланиб кўтарди қаддин кўк томон.  
Бошланиб хонадон бахти янгидан,  
Тириклар қайтишди жаҳон жангидан.  
Бошланди ҳар ишда ғайрат, сарҳисоб,  
Диллар қасри эса қолганди хароб...  
Бундан олдин Анна кушлардан бир кун,  
Қорахат олди, дил ўт олди бутун.  
«Висла яқинида учувчи эри,  
Бедарак йўқолган жанг баҳодири...»  
Ногаҳон қайрилди қалбин қаноти,  
Йиқилди, ўрлади кўкка фарёди,  
Ўқ тегиб, лочини парвоздан қолди,

Овози бор эди овоздан қолди,  
Қаттиқ давр, онага келди қора кун,  
Олти ойлик гўдак, она бағри хун.  
Тириклик мушкулдир, оғир юк дилга,  
Энди гўдак билан тортади бирга.  
Дилда ғам, олдинда янги кун кутар,  
Ёрининг сўзлари кўнгилдан ўтар.  
Йўл олди Волгага, ота манзилга,  
Таскин топмоқ истар қайғули дилга.  
У шаҳар мардларнинг шаҳри, қаҳрамон,  
Аёллар ишини кутарди бу он.  
Қаддини тиклашда мардларга ҳамдам,  
Бўлмоғи зарурдир аёл меҳри ҳам,  
Меҳру умид билан шаҳарни улар,  
Қайта яшартириб, иқболга йўллар...  
Баҳор фасли эди, осмон беғубор,  
Зангори кўзларнинг қайғу ёши бор,  
Анна жанглар ўтган хомуш ерда жим,  
Янги ҳаёт учун ишлар бетиним,  
Уй қуради уйсизларга эрта-кеч,  
Ошён тиклаб жўжаларга тинмас ҳеч,  
Лўли лойда, тинмас ғиштлар парвози,  
Етар қулоғига юрак овози.  
Андавани тортганда лой устидан,  
Ўқ овози келар унинг сасидан.  
Эслатарми темирларнинг садоси,  
У товушлар эди замин нидоси...  
Кеча-кундуз янграб бу савту садо,  
Шом бўларди, келар эди сўнг сабо.  
Қурган уйларини айлаб шинам соз,  
Ҳар бирини безаб, берди нақш, пардоз.  
Кейин ундан каптарларни учирди,  
Янги уйга янги ҳаёт кўчирди,  
Ҳар тонгда бир тикланиб у, — янги жой,  
Она унга берар эди кўрк, чирой.  
Сайқал берар унга тонг алвонидан,



Ранглар берар эди жигар қонидан,  
Тинчлик рамзи, жанг осорин тимсолин,  
Бу икки ранг гўё этарди тайин,  
Оналар меҳнатин рангини аммо  
Камалак суръатин чизарди гўё.  
Вақт ўтиб у шаҳар тикланди яна,  
Нур яшнаб чароғон бўлди ҳар хона,  
Ишқ келиб дилларни айлади ошён,  
Нигоҳлар жилвали, чеҳралар хандон.  
Лёк Анна дилидан йиғларди аста,  
Гул эди, кўз ёши дилга пайваста,  
Умид уйин эъзоз айлаб тонггача,  
Ўзин қўлга олиб юрса-да, қанча,  
Лекин дилдоридан келмасди хабар,  
Эзиларди бу ҳолатдан нақадар.  
Ишқ эди — у сўнмаган дил қуёши,  
Бахт кабутар — етмас унга бардоши.  
Толе кетиб, ёлғизлик ва ёш етим,  
Туюларди унга бахт икки тилим.  
Бола жилмай кечалари ёнидан,  
Сўрар эди азиз онажонидан:  
«Она, сен уйларни пардозлаб ҳар дам,  
Дейсан жанг тугаса келар деб дадам.  
Жанг ахир тугади-ку, аллақачон,  
Дадам келиб мени кўради қачон?..»  
Сукут қилар муштипар онажони,  
Термилган кўзида қалқиб шу они  
Ярқиради меҳру вафо шуъласи,  
Порлади бир лаҳза таниш чеҳраси.  
Зийрак ўғил айлаб бу кўзга нигоҳ  
Бўлар отаси қисматидан огоҳ.  
Она куяр ажралиб кўз нуридан,  
Отанинг пок нузли йўли, умридан.  
«Ота» дея катталарда, у шу дам,  
Қучди давр ботири онасин маҳкам.  
Ун яшар болага сир бўлмай аҳвол,

Она кўз олдида топади камол,  
Иккинчи кун дўстлар дуоси билан,  
Дарёга борди қалб ихлоси билан.  
Йўл эди битмаган дostonдай узун,  
Турди она давом эттирмоқ учун.  
Сирлидир бу узун йўлнинг ҳар тоши,  
Қиссага тўлиқдир охири, боши...  
Йўл сўнгида эди Норак шаҳари,  
Тунлари қоронғи, қирмиз саҳари.  
Кўрди, тоғлар қирмизи, сув қирмизи  
Тоғ устида ёйиқ ойнинг ол изи.  
Қизил кийган лола — баҳор гуллари.  
Элдан четда эди саҳро йўллари.  
Бу ернинг жамоли зар алзон эди,  
Бойлиги одами ва армон эди.  
Уйлари заминга ўхшаб кетарди,  
Норакнинг нури оз, қақшаб ётарди.  
Тупроғин ўйнарди дайди шамоли,  
Тўзондан кўринмас тоғлар жамоли,  
Чиқиб ботар эди тоғдан настлаб кун,  
Сув устига қиздирилган жез йўсин.  
Шуълалари эди осмон найзаси,  
Суюкларга чўгдай ботар ҳамласи.  
Бор эди шаҳардан ёлғиз ном у дам,  
Тинч қишлоқ яшарди беорем у дам.  
Анна ҳамроҳ бўлди бу янги ишга,  
Дуч келди чодирда, тоғда яшашга,  
Оддий меҳнатчилар у билан ҳамкор,  
Кўксиди меҳнатдан порлоқ нишон бор.  
Лабларда олловнинг муҳри — рўздор,  
Юрт ишидан бошни кўтармас зинҳор.  
Уларнинг ишига қойил қоларди,  
Лекин бу одатдан ўйга толарди.  
Беҳиштни ёд айлаб туриб саҳарда,  
Улар яратишар беҳишт шаҳарда...  
Анна улар билан бўлди қадрдон,

Қишлоқ этди қудратини намоён.  
Тўзон кўтарилар вайроналардан,  
Эгалари очар сўз хоналардан.  
Кулгую шикоят бирлашиб ердан,  
Ғубор, кўтарилиб кўҳна тақдирдан.  
Кулбалар нурадди, замин қаърида,  
Зебо қасрлар қад тиклар бағрида.  
Чодирлар бора-бора камаярди,  
Уйлар уйларга боряб туташарди.  
Шаҳар бўлиб кўк остида намоён,  
Элни бошлар янги уйларга томон.  
Она қўли, дўстлар қўли тош макон,  
Оловли бу ерни айлади бўстон.  
Бешикчи йили Нор нуробод бўлди,  
Бола ҳам улгайиб куёв, шод бўлди.  
Қуёш мисол қизларнинг жамолидан,  
Онажонин меҳру хушнуд ҳолидан,  
Ишқ нуридан, келин юзидан гулгун,  
Улар уйи порлар кундуздек бу тун.  
Кўҳна шоҳи эди она либоси,  
Виждонидек пок эди у дебоси.  
Баҳор кунларидай тоза беғубор,  
Баҳордан, келинлик давридан ёдгор.  
Бошида товланар оқ сочисимон,  
Интизор, умидли кунлари ҳар он.  
Олтин сочи кумуш рангин олибди,  
Кўзда кулги, лек ҳам ёши қолибди.  
Она иши эди қуймоқлик бу тун,  
Ўтиб кетган нури топмоқлик бутун.  
Сўнган шуълаларни ёндирмоқ истар,  
Қуймоқлик, топмоқлик, ёнмоқлик истар..  
Бирдан хаёлида жонланди дарҳол  
Ўша толе туни, у бахтли висол,  
Безавол севгини бахш этган иқбол,  
Жонланди у азиз сиймо ёдида,  
Соғинган чоғида кўзи олдида,

Чўғ бўлиб, ёндириб, дилин, йўл олди,  
Намланган кўзида нур бўлиб қолди.  
Энди бу хонада мерос муҳаббат,  
Мангу нур сингари эъзоз муҳаббат.

## НУР БОШЛАНИШИ — ДОСТОН ОХИРИ

Сирлар бўлар ёниқ сўнг ўчмоқ булур,  
Қуёш иши мангу нур сочмоқ эрур,  
Савоб йўлида ҳар юрган раҳнамо,  
Ердаги қуёшдай бўлган доимо.  
Халқин куни порлаб яшнаши учун,  
Бўлган нур эли ҳур яшнаши учун.  
Жазога йўлиққан Прометейдан  
Элтдинг сен ёгдуни худо қўлидан.  
Разиндан тортиб у замин фарзанди,  
Ё Данко — қалби у оташ пайванди,  
Эрксевар Восега қадарли ҳар гал,  
Эларин йўлида бўлишган машғал.  
Лекин машғалларга чанг солгай қуюн,  
Ноаниқ йўлларни дуч этгай бутун,  
Текис эмас эди пасту баланди,  
Йўллар қисқа, узун эди кечалар,  
Зулмат эди сирли, олис кўчалар.  
Бирор жойга бормоқ бўлса гар инсон,  
Йўл бошини кўролмасди ҳеч қачон.  
Уша баланд йўлларда ҳар доимо  
Бўлган элга йўл бошловчи раҳнамо.  
Шу туфайли ул беҳисоб шуълалар,  
Зулмат кечаларда очмади йўллар.  
Шу туфайли ўз йўлида бу диёр,  
Кўрди янги асрни ғайр, беқарор:  
Аср пешвоси бир ёш мардимайдон,  
Ўзгартди даҳолар ишини чандон.  
Оқил кексалардай тадбир қилди у,

Этаётган асрни таҳрир қилди у.  
Эскирган йўлларни бекор айлади,  
Мудраган нурларни бедор айлади.  
Мусаффо манглайда, рус даштисимон,  
Муаммо ечилиб истиқбол чунон.  
Ярқираб тугунлар топарди барҳам,  
Гўё уриларди оламга олам.  
Сибирдан, нимхира ўша кулбадан,  
Доимо уйғоқ у кўзи қалбидан,  
Ҳар тонгда ул қуёш заррасисимон,  
Тарқарди инқилоб шуъласи чунон.  
Кириб борарди ҳар эшик, девордан,  
Ишчининг муз уйи-харобалардан.  
Қора кунда топди бу кулбада у,  
Мангу ёғду, инсон паноҳи — ёғду.  
Сўнг нурбахши рус бағри-қучоғида у,  
Рус азму виждонини ўчоғида у,  
Офтоб парчасидай пишиб топди тоб,  
Бахт йўлини чироғи — улуғ инқилоб...  
Қайда бўлса, учқун ёйди у ерга,  
Учқунлардан таратди ёғду ерга.  
Ундан порлаб кетди Октябрь туни,  
Қучди олам у ҳаётбахш ёғдуни...

## СИНО БЕШИГИ

### ДОСТОН

То тонггача Ситора<sup>1</sup> тебранарди,  
Гўдак билан гоҳвора<sup>2</sup> тебранарди,  
Нигоҳида — унинг узун тун бўйи  
Осмон тўла сайёра тебранарди.

Ўтардилар кечаларнинг зулмати,  
Юлдузларнинг назарбозлик суҳбати.  
Субҳ оқартар оналар алласи-ю,  
Ва тун бўйи «ёраб»ларнинг заҳмати.

Бунда нечоғ ер қаттиғу кўк йироқ,  
Яхши-ёмон гарчи бунда қўшалоқ.  
Она этагин илди-ю, у маҳкам,  
Ситорадан Ерга қўйди у оёқ.

Ортидан онаси ўқирди дуо,  
Афшона қўл силкиб, қиларди имо,  
Олдга кетар, Афшонадан йироққа  
Гурбат юки елкасига бўлиб жо.

Бухорода нима арзон, дард арзон,  
Ато қилган уни инсонга яздон.  
Юзлаб шифо китобларда-ку ботин  
Сомон ганжи қаби очилмас осон.

---

<sup>1</sup> С и т о р а б о н у — Ибн Синонинг онаси,  
<sup>2</sup> Бешиқ,

Дарз кеткизди келиб зиндонга ҳам у,  
Эшик очди китоб-дармонга ҳам у.  
Жойламоқчи бўлиб жўшқин дилига  
Қўлин урди Ҳинду Юнонга ҳам у.

Шаму Сино матлаб дея аслида  
Ер эдилар барча тунлар қасдида.  
Шам висоли деб куйрди нарвона,  
У ёнарди юлдузларнинг васлида.

Зарра-зарра йигиб у қилди пайваст,  
Бора-бора юксак осмон келди паст.  
Зина-зина етишди нур қошига,  
Кўтаролди толе юлдузин у даст.

Кўрди афсона-ку, наҳси Зуҳал<sup>1</sup>  
Кўрди, бечора-ку — нақши азал.  
Худосига айланди ўз-ўзининг  
Кўрди, қўлида-ку дасти ажал...

Заҳар тотди, токи бўлсин деб дармон,  
Ранжлар тортди, токи бўлсин деб осон.  
Минг мушкулоти Инсон —  
Ҳадсиз мушқули Инсон.

## БИРИНЧИ МУШКУЛОТ

Нуҳ Сомоний дардига дунёда йўқ эди даво,  
Бошдан-оёқ дард пайдо, лек давоси нопаддо.  
Табиблар чорасин таъбир қилиб тандан изладилар,  
Гоҳи жон йўлидан,  
Гоҳ гўру кафандан изладилар.  
Ҳар бир чора учун бечоравор кетардилар йўқликқа  
Ва калта қўлларин ювиб урардилар қўлтиққа.

---

<sup>1</sup> Бадбахтлик юлдузи.

Келтирдилар Синони  
Ешу зукко-донони,  
Кўрди у бемор бошида тож шавқи-ю, минони,  
У деди: «Эй амирим, авф эту тожни кўтар,  
Ким ҳаким-чун бунда бир бемор ўзи басдир, етар».

Сукут орага чўкиб  
Сукунат кирди забонга.  
Сино ўтди баёнга:  
Мен учун бир ҳамнишин етар бу он  
Етганидек бир бадан-чун битта жон.

Табиблар тўшакдаги шоҳ ҳукмига фитизор эдилар...  
Бу «Ҳусайни Карбало»га илҳақу зор эдилар.  
Амир тушди қуйироқ ноилож кин бошидан,  
Ширин жони учун у,  
Кечди заррин тожидан.  
Қилди бир ишорат-ла хилватхонани холи,  
Шоҳона кибр-ҳаводан ҳам кошонани холи.

Ва ўзин ҳис этди бемор,  
Ва ўзин ҳис этди ночор  
Ва ўзин ҳис этди озод шўру шардан жаҳондор.  
Ва Сино излай кетди мизождан дард илдизин,  
Топди, жаҳон савдоси ўтдек ўртар дил-музин.  
Деди: «Эй надим, сен учун хос бу даргоҳ,  
Жаҳонга неклик дегил, бергил некликдан огоҳ!»  
Шоҳга деди: «Амрим агар раводур, дардга даводур,  
Буюрганим фармондай гар вожиб, муддаодир».

Қирқ кун муқобил қилди у дори-ю, дармонни,  
Амрига кўниб амир, бажарди ҳар фармонни.  
Димоғидан кўчдилар аста-аста беморлик,  
Асар қолмай хулқида шоҳоналик — киборлик.  
Деди Синога бир кун: «Шукур, бу гирифтормлик,  
Беморлигимга келди Синодан мададкорлик,



Билмадим, қайдан келиб, қайга кетди бу дардим,  
Танимни телбаратиб қайга кетди бу дардим.

Мен бу бешик — танимни гоҳо тобут билардим,  
Ҳақимлар нафасини шамоли ҳут билардим.  
Бешигингни тебратган волиданг бўлсин омон,  
Бухорони кўзимга қилдинг хуршиди тобон!»  
Дард интиҳосин Сино тоңди мисли ибтидо —  
Аслда танпарастлик дардига шоҳ мубтало.  
Унинг фармони билан келтирдилар шиша май,  
Кўтаришди уч жомни танҳоликда пайдар-пай.  
Жаҳондор Исмоилдан келтириб у ҳикоят,  
Қадру виқор бобида қилмоқ бўлди ишорат.  
«Исмоилда зўр эди адлу донишу инсоф,  
Фикридан ҳамма шоду  
Зикридан обод атроф,  
Муборак ўлиmidан сўнг ярим аср ўтса ҳам хоҳ,  
Номига аризалар ёзарди бари додхоҳ,  
Шоҳ нафсида уйғонди шаъну шукуҳи шоҳлик.  
Деди: «Бепаноҳликка қилмоқдаман паноҳлик,  
Гар ортуқ бўлмасам-да, каммасман аждодимдан,  
Жаҳон огоҳ бўлсин бу фазли падарзодимдан».  
Сўнгра Ибн Синода туғилди ўзга чора,  
Эслаб қолди кўҳна арк, деворни у якбора;  
Ақли киром амр этганди шундайин қатъий қарор,  
Бухорога лозимдир ўзгача баланд девор.  
Деди аҳли девони: «Ҳикматдан бўлмас коринг,  
Чет ҳужумдан на ҳарам ва на қолгай бозоринг».  
Дедиким: «Сиёсатдан, қудратдан тиклай девор,  
Шоҳруддан сахрогача, рост сўздан этгум анҳор.  
Ватан молу жонининг бўлай нигори ўзим,  
Токи тирик эканман қалъа девори ўзим...»  
«Ҳақ шукурким, Бухоро бору Сомоний девори,  
Юммоққа кўз бермас лек юксак чархи даввори...  
Бу вилоятга турку хито ҳамла қилмоқда,  
Жангарилар юрт хокин топтамоқ-чун кирмоқда».

Бу хабардан беморнинг бор қудрати уйғонди,  
У соғми бемор эди, ҳушёр тортиб тўлгонди.  
Ва амр этди: «Келтиринг, тожиму узугимни  
Ва учқур саманимни, кўрай ер-манзилимни.  
Шоҳ авзойига бир он кирди ўзгача ҳолат,  
Сино замин бўлди-ю, шоҳ осмондек баҳайбат.  
Чақирди девон аҳлини, бори лашкарбошисини,  
Суриштирди ўлканинг қандай нафас олишини.  
Тинглаб ўлка аҳволини, сезиб лашкар майлини,  
Дил кўзи билан кўрди бир-бир навкар хайлини.  
Асосу қудратдаким нуқсонлари бир талай,  
Сиёсат йўлидан ҳам чиқибдилар ҳар қалай.  
Барисининг танида аблаҳлик либоси бор,  
На уларнинг дуйёдан, на дилдан огоҳи бор.  
Деди: лашкар зумда бу амрни ижро этсин:  
Бариси қайта қатор девор ортига ўтсин.  
Саноғи йўқ лашкарим бўлсин тирик тўғондай,  
Дарёдек жаҳдга тўлсин, бўлсин кучли тўфондай.  
Элчи юборди сўнгра ўзи туркларга томон,  
Қоғозномада талаб туркча қилинган баён:  
«Ки биз қўшнимизу ҳамкору ҳамёр,  
Иккимиз ҳам сулҳ-салоҳга талабгёр.  
Наврўз байрамини баҳам кутайлик,  
Гулхан теграсида дил шод этайлик.  
Чавғонбозликда сўнг кучини синаялик,  
Тиру пайконбозлик завқини сурайлик,  
Сўнгра найзабозлигу муҳофаза этар ҳал,  
Умид борки, бу ишдан рўй бермас жангу жадал...  
Вилоят шаҳаншоҳи наслим — Мансури Сомон  
Ҳақ амри-ла, шоҳ амри-ла бутундир менда имон».  
Рад жавобин олишди туркларнинг султонидан,  
Нуҳ деди: «Биз интилдик тинчликка зое ва осонидан».  
Синога унинг меҳри зиёдроқ бўлди яна,  
Шарафига бошлади анжуманли тантана.  
Ҳакимлар йиғилишди, тўпланишди вазирлар,  
Назирлар ҳам шундаю бадкирдор беназирлар.

Деди аҳли мажлисида:

«Ушбу йигит дилларга ҳабибимиз бўлади,

Ҳар дардимизга дармон — табибимиз бўлади.

Унинг даргоҳи доим насибимиз бўлади.

Буюрғил, эй ҳақим, неки истайсан бу вилоятдан

Қушдан балиққача то бахш айлай — бор неъматдан».

Деди: «Эй амирим, шод бўлурдим шу қадар,

Дарвишдек ўтган бўлсам шоҳ синовидан агар.

Шу олий инъом етар, бас!

Менда йўқ ўзга ҳавас.

Жаҳон моллари ичра илму дониш бозорим

Рухсат эт, илм ганжиги — мен шунинг талабгори».

— Бу амринг бўлур вожиб,

Ўзга талаб йўқлиги ажиб?

Табиблар: «Зар дегил, кишвар дегил, водон!»

Деди: «Кишвари билан омон бўлсин Нуҳ Сомон!»

Бироз хандон, биров ҳайрон,

Базмга етди-ю поён,

Назмга йўқ эди поён.

## ИККИНЧИ МУШКУЛОТ

Ривоятлар қилур мардум,

Ишоратлар қилур анжум,

Нуҳ сочиб ташладиким охир титилган дондек

Зарб билан аҳли саҳроня...

Зафар шарафи учун қурди шоҳона базм,

Хосларга хос туҳфалар этди подшоҳи азим.

Бир шовр дердиким: Нуҳ Сомоний малақдан

Таърифи келур еру ҳатто тўққиз фалақдан.

Шоҳ наёнай жомданми маддоҳлар мадҳидан маст,

Имо-ла базму назмни охирлатди шу нафас.

Жамоатни дуолаб, юзланди хослар томон:

«Сирий топмоқ-чун қилгум Синони бир имтиҳон».

Айвонимизнинг икки эшиги бордир танҳо,

Сўнг йўлга ази сафар этса подшоҳ мабодо,

Айтгил, қай бирисидан чиқмоқлиги раводир?  
Буали қалбига у енгиллик-ла урди тир.

Сино деди:

«Тариқатни ўзгартмоқ шоҳлар учун осондир,  
Истаган эшигидан чиқмоқ унга имкондир.  
Хоҳланг ўз истагу банда фикридан юринг,  
Чиқиб киргач, сиз ушбу битакка кўз югуртинг».  
Амр этди амир ўзлик ғурурин таъсиридан  
«Ўзга эшик очингиз ҳикматнинг тафсиридан!»  
Бўлди дамда амр ижро,  
Жануб деворидан очилди эшик,  
Амир типпа-тик қолди уч эшик аро.  
Олди у битикнинг мағзин чақмоққа  
«Амир тахтдан қўзғалиб,  
Имкон йўлини изламас тушар бузгунчиликка,  
Жанубдан эшик очиб, яна келур эшикка...»  
Ишоратлар қилганди амирга ушбу ҳикмат,  
Бу жаҳоннинг иккита эшиги бордир фақат:  
Келмоғу кетмоқ йўли,  
Ғафлату уйғоқ йўли,  
Вайрон, ободлик йўли,  
Инсоф, бедодлик йўли...  
Амир охирги йўлдан кетди, яна вовайло!  
Аҳволи вой Бухоро, аҳволи вой Бухоро!

\* \* \*

Олиймақом ўйинлар топгандек поён,  
Аммо ўзга миш-миш кетди ногаҳон:  
Бухоро шаҳри бўйлаб мисоли бало,  
Тунлари бир махлуқ бўлурмиш пайдо.  
Ҳар киши унингким дучори бўлар,  
Шу онда куллари кўкка совриллар.  
Кучлилар кўп куч кўрсатай деб —  
Ер тишлаб қолмишлар бу ишдан панд еб,  
Агар аҳвол шу бўлса, қор-қол шу бўлса,

Суратим девордан шоҳ дамда йўнса.  
Нечора бор мени Сино учун бир  
Аҳбоблар ҳифзига тескари тадбир?  
Ҳаким деди:

«Мажозий бўлса агарда махлуқ,  
Чора изламоқдан ўзгача йўл йўқ.  
Бўлиб вужудимда дарранда бедор,  
Бўлиб ақл ваҳшийлик мутеси ночор.  
Дарранда жангида ишлатиб ақлим,  
Унинг ёмонлигин қилурмен таслим,  
Агар у жинс бўлса иши сал албат,  
Забардаст зўрига йўқдир зарурат.  
Кўрсатмоқ керакдир унга бир ҳунар,  
Дамашқ пўлодидан ясаб бир сипар,  
Ким у ойнадек серпардоз бўлсин,  
Ким у ойнадек аксандоз бўлсин.  
Сўнгра бир мард қилиб тадбир, ирода  
Юзма-юз келса гар унга пиёда:  
Шум аксин кўради неки бўлса ҳам  
Қўрқувдан тарк этар Ватанни шу дам.  
У ўз ҳайбатидан чўчиб ўлади,  
Ўзга чора йўқдир менда... бўлади...»

\* \* \*

Сомоний ганжи ичра ҳаким таялаб илм оламин  
Бўлди кўрмоқ баробар бори Бухоро одамин.  
Давлатни совурди хўб лек амири бесомон,  
Бошида тож кўриниб — кўкдаги меҳри тобон.  
Сулҳу мадорга келиб, бир кун Ибн Синони,  
Назар аҳли чароғ билсин,— деди ушбу донони.  
Жамоат эди ноҳамвор:  
Бири — гофал, бири — бедор,  
Бири роҳиби безуннор,  
Бири зоҳиди бедастор.  
Довишмандлар Ҳинд, Эрону Араб эдилар,  
Донолик нисбати бору, лек доноталаб эдилар...

Жамоат жаму сукутда эди,  
Хаёл сўзланажак нутқда эди.  
Хона юки босгандай елкаларни эггилаб,  
Мақсадлар — яширин вуужудда эди.  
Навқирон қотма йигит ўнглаб олиб ўзини,  
Бир имою таъзим-ла сўнг бошлади сўзини:  
Ултирган курсисидан турди фикрин этиб жам,  
Ердан то шифтгача у кўз югуртди хотиржам.  
«Азизлар, англаб етдим бу даргоҳнинг сатҳи ё  
Ханжар бўйи юксалди  
Ва ё осмон пастанди ханжар бўйи,  
Бу ҳодиса таъбирин мен шарҳлайман шу кўйи».  
Кирди тилга жами лол.  
Кўрлар ҳам кўрди яққол...  
Бу даргоҳдан чиқди у қилиб таъзим,  
Бу беҳамроҳ йўлдан у чиқди этиб зўр жазм.  
Тўхтовсиз тўкарди дил,  
Бу беҳосил дунёга,  
Бу бесоҳил дарёга  
Ошнолик дурдонасин... мўл-мўл,  
Танҳолик, жудоликни...— кўзлари кўрарди йўл...

### УЧИНЧИ МУШКУЛОТ

Ривоят қилурлар деною едон,  
Ишорат қилади бу чархи даврон;  
Сўнгин топди охир Сомоннинг иши,  
Юксакдан қулади ишонмас киши.  
Сомон хонадонин ўрлар фиғони,  
Танига қайтадан кирмас лек жони.  
Нуҳ тахтдан тахтага тахланди охир,  
Егоч от сафарга чегланди, охир.  
Бухоро қолди бир очиқ шаҳардек,  
Суворисиз қолган ё самандардек.  
Қора шамол каби шимолдан елди,  
Элга қарахонийлар босиб келди...

Сўнгра ном қозониб келди-ю Маҳмуд,  
Ватаи ва кафандан ўрлаб кетди дуд?  
Мўлиён ариғи ёшларга тўлди,  
Маърифат Нили ҳам нобуд бўлди.  
Маҳмуду Ҳусайн — икки биродар,  
Саждалар қилишиб, деб хоки модар.  
Ҳасрат билан ўпиб хоки Ватани,  
Хорликда ўлмоғин дунёи фанни —  
Доро мулкининг бу дилхоҳлари ҳам  
Видо Бухоро, деб чекдилар алам  
Бу дoston йўлини қайга ҳам бургум,  
Ростликка охир йўқ, ўзим-ку, кўргум.  
Сино гирифтормен мен нетай, ахир  
Оташи димоегим куйдиргай, ахир:  
Кузатди тун уни Дарвозани Нур<sup>1</sup>  
Эгнида ридою дастори кофур.  
Хоразм сафарин азм этди ночор,  
Матоимга дея борми харидор.  
Биёбон йўллари ўхшар саробга,  
Бебаҳо жилваси солгай азобга.  
Нишона бўлмайдди босган қадамда,  
Ортингдан изингни ўчирар дамда.  
Бу йўл белгилари ҳам ноаёндыр,  
Карвон қўнғироғи мавҳум баёндыр.  
Сино деди: «юлдузларнинг рафтори  
Бизга йўлчи бўлур, кўзлар мадори.  
Қамар жинсдыр — тамому нотамомдыр,  
Фақат Хуршиду ахтар бомақомдыр.  
Ғуруб офтобиким бу биёбоннинг,  
Ишорат қилур деб зоти Сомоннинг,  
Офтоби қонталаш — пурхун афтода,  
Ки уни кўрмадим ҳеч бир китобда.  
Шомдаги изгирин тортар эди ув,

---

<sup>1</sup> Бухоронинг 12 дарвозасидан бири Хоразм тарафга қараб очиларди.

Биёбон қумлари гўё равон сув.  
Шу тариқа, бу дунё ё фано бўлди —  
Ё охир ва бошдан ё бино бўлди?  
Бу саҳро мисоли дарё равондир,  
Фақат тадбиру ҳикмат новадон<sup>1</sup>дир.  
Бир бута тикон ҳам лангару бунда  
Хокнингга қарор бор биргина шунда...»  
Ҳар неки илдиали бордир пешаси,  
Ашқоли муҳитдан бор андишаси.  
Виқор дунёсида Сино сервиқор,  
Аммо кўрилганми унинг каби хор?!  
Биродари унинг эди қаноти —  
Ота-ю, онаси — борки ҳаёти.  
Саҳро ўркачлари ол саҳифадек,  
Қизил тутун бўлиб кўтарилар тик.  
«Ажаб оташ, ки унда йўқ ҳарорат,  
Ажаб оҳдирки унда йўқ на сурат.  
Магар бу оташу тутун китобдир,  
Дониш йўли шундайин беҳисобдир?  
Магар бу қаҳри яздон ё менингдир?  
Фигони жумла инсон ё менингдир?  
Бу ҳикмагга ройим йўқдир сира ҳам  
Бу ўйиндан истар эдимки чиқсам —  
Ажаб ишдир, агар саҳрода ўлсам,  
Гумроқликда наҳот йўқ бўлиб кетсам,  
Олам илми наҳотки барбод бўлса,  
Жаҳолат бу жаҳонда озод бўлса».  
У шашт билан олди беҳини кўтариб,  
Шафақ ана бўртмоқдайди қизариб.  
Кўрди қумга кўмилган икки жасад,  
Ташқарида қолган икки бош фақат.  
Таннинг асли макони-ку, тупроқдир,  
Ақл юксак, ақл жабри кўпроқдир.  
Суғурилиб чиқди тупроқ остидан,

---

<sup>1</sup> Назоткор.



Маҳмудни ҳам тортиб олди дастидан.  
Тун заҳмати ортда қолиб ордона,  
Икки вужуд йўлга бўлди равона.  
Биродари сув сўрарди, аммо сув  
Саробнинг кўк товланиши эди у.  
Биродари нон сўрарди, аммо нон  
Қуёш қадар йироқ эди бу замон.  
Баногоҳ ато қилгандек осмон,  
Овоз солди қўнғироқли бир карвон:  
Етиб олди карвон уларга шу тоб,  
Бир карвонки, юки эди беҳисоб.  
Сарбон кўриб иккита ёш ботирни,  
Камондан учган икки бу тирни.  
Деди: «Дарвишлар қайдан, кимга қавомдир,  
Бу саҳрода худодан не инъомдир?  
Уларга ҳамроҳлик қилмоқ ҳам савоб,  
Дунёда не иш қилсанг бор жавоб».  
Ишим ривожи бўлсин деб иккисин,  
Карвонига жойлаштирди шу йўсин.  
Дарвишларга буюртди нон билан сув,  
Шу тариқа гапга тушди яна у.  
Деди: «Қайдансизу қайга борурсиз?  
Агар озод десам ридодадурсиз».  
Деди Ибн Сино: «тариқатдан биз,  
Ҳақиқат қадардир тушган йўлимиз,  
Икки муршидмиз, бир хонақоҳдан  
Ҳаққа термулганмиз битта нигоҳдан».  
Бу сўздан билдики у марди тожир<sup>1</sup>,  
Иккала сўфи ҳам ботину зоҳир.  
Кўрди мусофирлар зарра озорсиз,  
Суҳбатни қизитди ўзи бошлаб сўз.  
Деди: «Ямандан дур харид қилдим,  
Дарё дилидан мен қатралар илдим.  
Дамашқ пўлодидан, Кашмир шолидан,

---

<sup>1</sup> Т о ж и р — савдогар.

Олдим унда неки барпо молидан.  
Бултур етиб олдим Бухоро томон,  
Кўрмадим унда мен аммоки эҳсон.  
Барча молларимни олдилар бебож,  
Қароқчилар қилиб талону торож.  
Худо уриб шу кун газо кун экан,  
Бухоро худо-ю, беҳудо экан.  
Тахтдан кетган экан ўша кун Сомон,  
Бухоро бўлганди худди блёбон.  
Хазина эшити ланг очиқ эди,  
Шоҳ бойлиги сочқидай сочиқ эди...  
Амал мукофоти ёдимга келиб,  
Очдим хазинани зўр умид қилиб.  
Тахту тождан бўлак барисни олдим,  
Сомон мулкин хиреждек қўйнимга солдим.  
Бу бойлик молимдан афзал минг чандон,  
Бу бойлик эгаси мисли ҳукмрон.  
Ололмадим қўлга лек тосқни фақат,  
Бўлур эдим бир подшоҳи баҳайбат»,  
Сино деди: «Гар кимга бу маромдир  
Биз учун кафандузлик<sup>1</sup> ҳаромдир.  
Кўрдинг-ку, сен ахир фойда зиёни,  
Андишасин қилма тожу кайнинг.  
Ғалабасиз тож кийган мард саналмас,  
Сонда бору аммо саноқ тополмас.  
Тож бу шавкат халқ берган нисбатда ҳам  
Ўзга бир тож йўқ эди ҳикматда ҳам...»  
Савдогар дер: «Эй, сен йўловчи сарсон  
Буюк даргоҳлардан бенасиб нодон.  
Кўрмагансан ахир, не тожу не шоҳ  
Сенинг тушган савдойинг ҳам ўзга роҳ,  
Йўлларимни тўсар сендаги бор ўй,  
Карвон юки бебаҳодир, ганин қўй».  
Бу гаплардан аён, аммо бу жойда

---

<sup>1</sup> К а ф а н д у з — кафан ўғриси.

Сўз ганжлари елдай учар бефойда.  
Суҳбат узилди-ю, сўз адо бўлди,  
Саҳродан то само бир садо бўлди.  
Мумкин эди уқмоқ ушбу садодан,  
Узга назми йўқдир унинг савдодан...  
Мусиқа илми-ку, фанлардан пендир,  
Инсон жони учун ақрабо — кешдир.  
Қўнигироқ садоси титрайди елда,  
Базм гурунгига ўхшайди елда.  
Жудоликдан ё қилар у нола,  
Бевафоликдан ё қилар у нола.  
Дилимнинг оҳанги аслида бу занг,  
Ўқалбим баёнидир асли бу жаранг.  
Яқинлашмай ҳали кўзланган манзил,  
Тушди яна оқшом — оқшоми қотил.  
Юклар туширилди пастликка бир бир,  
Бир гуруҳ тугаш-чун тиклади чодир.  
Ажойиб тун эди, тушга ҳам кирмас,  
Ҳеч ким ҳали ўзни уйқуга урмас.  
Барча бедор эди ва барча ҳушёр,  
Анжомлар ёстиқдай тизилган қатор.  
Чодирдан ташқари ташладим, қотдим,  
Тош каби гўёки гирдобга ботдим.  
Тушимда ҳайбатли шоҳсувор елиб,  
Мени сўроғлармиш бухорча қилиб.  
Боғ сари имларди у мени гўё,  
Менинг-чун бу тушми ва ёки рўё.  
Боғ сари югурдим — у ошно эди,  
Дилга яқин, жисмиждан лек жудо эди.  
У ҳаёл боғида ухладим бирдам,  
Яна нола билан уйғондим бирдан.  
Қарасам туриб даст, маҳшар томондан,  
Сарсари шамолдай елиб шу онда.  
Ниқобли йўлтўсар бир гуруҳ бўлиб,  
Қароқчилар келди балодай елиб.  
Куйдирдилар карвон хонумонини,

Олдилар ва сўйгра сарбон жонини.  
Мингашиб отларга елиб кетдилар,  
Улар чақмоқ каби келиб-кетдилар.  
Амал мукофоти рутубат-тунда,  
Инкор йўлларида — инкордир бунда,  
Кимнингки ҳирси бор, ҳирс эгади у,  
Меваси олдида бош эгади у.  
Бу фалак гардиши остида кўп бор,  
Яхши ва ёмонлик айланар такрор.  
Сарбон ҳирсига бу жой ватандир,  
Биёбон гўру қумлик кафандир.  
Кажавалар тонгда бўлди равона,  
Уларни зада қилган кўп зарар — замона.  
Қўнғироқ бонгида энди фиғон бор,  
Ҳеч кимда не ишонч, не бир гумон бор.  
Ким улар элтарлар ганжи сомондан,  
Бир ганжки, асар йўқ тугаш, поёндан.  
У ўзича карвонлигин билмасди ҳеч ким,  
Ер илмига сарбонлигин билмасди ҳеч ким.  
Ва берк хазинадай бир сир эди у,  
Асрор дунёсидай такбир эди у.  
Шу алфозда сарсон босдилар кўп йўл,  
Ортларида чангиб қолаверди чўл.  
«Бешинчи кун тугаб карвон азоби,  
Кўк водийнинг жилваланди офтоби.  
Бу кўкликдан келарди райҳон ҳиди,  
Бу кўкликдан келарди инсон ҳиди.  
Ана Хоразм, бизга нажот — маъво эди,  
Биз учун он қадар, биздан ҳали жудо эди...»

#### ТҮРТИНЧИ МУШКУЛОТ

Ишорат айлайди бу закий доно  
Ҳикоят сўзлайди Буали Сино:  
Муборак Хоразмга токи етдик,  
Авалло биз унда нон ва сув тотдик,  
Зумуррад заминдир эмас биёбон,

Сабзалар руҳимни этдилар тобон,  
 Урганч хазинадай энигин очди  
 Дилу жонимни мен унга эо қилдим.  
 Ажаб шаҳар Жайҳундай жўшарди,  
 Маърифат дарёси ҳам руҳ қўшарди.  
 Жайҳунидан равси оқар Ҳазорасп,  
 Экинзорлар пишқиради — қаторасп<sup>1</sup>.  
 Улуғларнинг дунёси гуржирабди,  
 Гургон дарёсидай элни ўрабди.  
 Бунда рум кўрдиму рус кўрдим,  
 Хоразм шоҳини Ковус кўрдим.  
 Али Маъмун юрт фарзанди — шаҳаншоҳи,  
 Тоғ ўрида ақл деимо ҳамроҳи.  
 Ки бу пурғавгою олғир дунёда,  
 Бу тунд саҳрою овғир дунёда.  
 Иродаю фазл йўлини тутган у,  
 Фаросат-ла ҳақнинг қўлини тутган у.  
 Мени қабул этган кунда Маъмун,  
 Кўрди магар ҳолим аҳволи Мажнун;  
 Деди: «Хуш келдинг — нуридийда,  
 Бундай бахтни кимса кўрмас дунёда.  
 Олам дардига бўлмоққа сен малҳам,  
 Ўз оёғинг билан келдинг, эй маҳрам.  
 Жону дилим бағишларман не санга —  
 Санинг баҳсингга-ю, илму фанга...»

\* \* \*

Абусаҳл Масиҳий<sup>2</sup>-ла иккимиз,  
 Арастудан юз тугунни ечдик биз.

<sup>1</sup> Отлар қаторига ўхшатиляпти.

<sup>2</sup> А б у с а ҳ л М а с и ҳ и й — машҳур файласуф, у Али бинни Маъмун Хоразмшоҳ саройида хизматда эди, сўнгра Султон Маҳмуд тахдидида Ғазнадан кетишга мажбур бўлди ва Ибн Синога ҳамроҳ бўлиб Хуросонга жўнайди.

Абунаери Ироқий<sup>1</sup>-ла ҳикматлар,  
 Очавериб чекдик фироқ, заҳматлар.  
 Абу Райҳон Беруниймиз фарҳангда,  
 Илм мулкини кўрди хушбўй, хуш рағда.  
 Бу донишлик боши шу замин эди,  
 Шоҳ узукка гўё кўз-нигин эди.  
 Тухум каби эмиш кўзига дунё,  
 Тухум ичра аммоки ақл анқо.  
 Унинг фаҳми яғона-ю, хос эди,  
 Паст-баланддан хулосаси соз эди.  
 Сатҳнинг унингча тўрт томони бор.  
 Тўрт томонда — унинг фикру ихтиёр.  
 Тўрт тараф шарҳида нуктадон эди,  
 Олти жиҳатга лек боғумон эди.  
 Кўзларига фалак байза<sup>2</sup> боз<sup>3</sup> гўё,  
 Ва фалак қуёши найзабоз гўё.  
 Олти жиҳатга мен этиб ишорат,  
 Ердан само қадар қилдим иморат.  
 Сир эмаски, одам туриб жойида  
 Қила олур тўрт томонян ифода.  
 Бу фанга не савол, не-да, бор жавоб —  
 Яралишнинг ибтидосидир офтоб.  
 Инсон еру ишқдан асли яралар,  
 У илк бора тўрт томонин сўроқлар.  
 Зеҳн имконига йўқдир ҳеч поён,  
 Ақл кўзи олдида хўб намоён,  
 Осмону ер қаватлари бирма-бир,  
 Чарх камони билан камалак-тасвир.  
 Камону тир камондорнинг қўлида,

<sup>1</sup> Абунаер Ироқий — риёзиёт олими ва ҳикмат аҳлидан эди.

<sup>2</sup> Тухум.

<sup>3</sup> Бу ерда Абу Райҳон Берунийнинг фалак шакли хусусидаги таълимотига ишора қилинган. Беруний Арасту фикрича фалак юмалоқ эмас, балки тухум шаклида — чўзинчоқ деб таърифлайди.

Юрт забти-ю, юрт ҳифзининг йўлида...  
 Доноларга қилай таъзим ва шукур,  
 Зукколарга қилай таъзим ва шукур.  
 Бунда топдим ганжада жамлик тартибин,  
 Бунда топдим жамулкамлик тартибин.  
 Бунда ақл, тадбир ва истақлардан,  
 Юрт ободу жой олган юксаклардан.  
 Жаҳоннинг илмда Олам номи бор,  
 Гардишлардан унинг субҳу шони бор.  
 Башар ақли агар қолса гардишдан,  
 Бешиқ қолса тебранишдан — жунбушдан.  
 Тескарига айланиб кетгай осмон,  
 Бу ишлардан замин қолур лол, ҳайрон...

\* \* \*

Шу тариқа орадан уч ой ўтди,  
 Ғавғолар жаҳони жаҳондан кетди.  
 Мажлисларда қизирди савол-жавоб,  
 Мавзу эди сув билан ўту шамол.  
 Сув ва ўтнинг мизожидан бир куни  
 Беруний Синога берди бир савол,  
 Савол содда, аммоки амримаҳол:  
 «Аёнки, кенгаяр иссиқдан жисм,  
 Ўз ҳажмидан ошар бир неча қисм.  
 Совуқдан-чи, жисм кичраяр чунон,  
 Ўз ҳажмидан торабини бегумон.  
 Агар сувсиз бўлса ҳамки обгина<sup>1</sup>,  
 Агар сув-ла бўлса ҳамки обгина.  
 Совуқдан синади — дарз кетар шиша,  
 Сабаб? Сабабга не асос реша?»  
 «Бу муаммонинг жавоби бизга аён,  
 Муаммонинг руҳидан қилай баён.  
 Ҳаво иссиқликдан излайди макон,  
 Аммо шишада йўқ кенгликка имкон;

<sup>1</sup> Обгина — қадимги сувдон номи.

Шу иллатдан бўлур у шиша кора,  
Яна ўзга йўлдан сўзлай бир бора.  
Совуқликдан обгинанинг ҳавоси  
Қисилмоқдан камаяр индаллоси:  
Хало! бўлур пайдо бу он шишада,  
(Бало бўлур пайдо бу он шишада),  
Шу бўшлиқдан ёрилади шиша боз,  
Сизга айтай яна қандайин асос!»  
Абу Райҳон айтди эътирозли гап:  
«Бўлса эди агарда бўшлиқ сабаб,  
Синар эди унда шиша ичидан,  
Ёрилар у ташқи таъсир кучидан.  
Чунон кўрдим, сиғишмайди ушбу ҳол,  
Ҳарфнинг ҳарфга сиғишмагани мисол...»  
Сино деди: «бу шишабозликка боз,  
На шиша, асли ҳам бўлар асос.  
Агар гавҳар зетига устивордир,  
Унга не ўт ва не муз хавфи бордир.  
Бўлса обгинанинг сармоysi кам  
Унинг айби — демакки камлик бу дам...»  
Табиатда мавжуд бу муттасиллик,  
Фазилатда мавжуд бу муттасиллик.  
Ушбу ҳолат билан турган фазодир,  
Васл истар ҳар зарра, лек жудодир.  
Шу аҳвол биз учун келтирди бало,  
Бухоро бўшлиқдан бўлди мубтало.  
Не тадбиру хираддандир вилоят,  
Вилоятга зўрлик бўлиб кифоят;  
Бухоро ўз шукуҳи билан нечоғ,  
Юксак девори мисоли улкан тоғ —  
Бамисли шишадек синиб қулади,  
Маърифат дарахти ҳам ёниб қулади,  
Ёмонлигин қилар экан жаҳондор,  
Уша бўшлиқ яна бўлгуси такрор.

---

<sup>1</sup> Х а л о — бўшлиқ, физикада вакуум дейилади.



Сўзин тугатмаган эдиям ҳали,  
Чопар келди мисли саҳро шамоли.  
Маҳмуддан Маъмунга келтирди нома,  
Ҷора хабардан у эди нишона.  
Маъмун ўқир экан номани бот-бот,  
Қалбига гулгула тушганди ҳайҳот.  
Андишада қолди тили бир дам лол  
Унга оғир эди ҳозирги аҳвол.  
Деди: «Ибтидою иштиҳо бўлди,  
Ё дариг, танимдан жон жудо бўлди.  
Шарт қўйиб дебдиким у дин султони,  
Ё сизни дермишман, ё тахт-ла жонни.  
Тонгда олиб кетар сизларни Микол<sup>1</sup>  
Жудо қилиб мендан ва вилоятдан.  
Қудратим йўқ, мен у билан олишсам,  
Бу амридан бош тортсаму солишсам.  
Ғазнага ким истаса, майли, кетсин  
Гар ўзга йўлини тутса — тезда тутсин.  
Бўлак чорам йўқдир ушбу чорадан,  
Вақт ўтмасин, азизлар, кўп орадан».  
Абу Райҳон деди: «Қоламан.  
Тош қолишга мен ўзимни соламан.  
Агар тош бўлса-да, афзалроқ жангдан,  
Наҳанг ўзи афзал — коми наҳангдан».  
Бўлди ҳамроҳ Хаморию Ироқий,  
Тушди Ғазнага учев иштиёқи.  
Сино сўзлар аччиқ ханда-ла бот-бот:  
«Азизлар, баҳсимиз бўлди боз исбот.  
Шиша била тошдир жаҳоннинг иши,  
Маҳмуд учун тордир жаҳоннинг ичи.  
Абу Райҳон, тазйиқданми, сен ночор,  
Унинг даргоҳини қилдинг ихтиёр...  
Сарой сари кетмоқдасан сен мана,

---

<sup>1</sup> Абулфазл Ҳасан бинни Микол — Султон Маҳмуд навкарларида бири.

Мени асрор олами тортар яна.  
Шу сония у сингди тун қўйнига,  
Жудоликнинг юкин осиб бўйнига...»

## БЕШИНЧИ МУШКУЛОТ

Ишорат қилади ирфон  
Етгунича қудрат, имкон;  
Нишопурда ғала-ғовур: келаркан Ибн Сино.  
Ҳамма Синони изларди, соқов ҳам ундан сўзларди.  
Тамоми дардмандлар Сино йўлида бўзларди.  
Манзилга етгани замон,  
У юрди хонақоқ томон.  
Рафиқ изларди кўзлари,  
Кўнгли истар бир нуктадон.  
Дилдан ўтар шу хаёл: кимни излаб, кимни топдим,  
Бу серодам манзилдану бу беодам даргоҳдан мен?  
Пири Майхоний<sup>1</sup> бош бўлиб — нидо чекарди бир гу-  
руҳ,  
На исломча эди сажда, на имронча эди андуҳ.  
Муккасидан кетиб бари,  
Ўзларича худо сари  
Излардилар, илоҳий уфқ.  
Ичкари кирдим,  
Қилт этмас япроқчалик бири ҳатто:  
Бу не назарбинлик, ўзи не дилогоҳлик ажабо!  
Бир чеккада ўлтирдиму дилдан ёзмоқ учун ғубор!  
Умум оқимиға боқдим: кузатдим унда не сир бор.  
Нақлларин тингладиму уқдим; эшонлар равиши  
Дилни хотиржам тутмоқмиш бу худбинларнинг  
ташвиши.

---

<sup>1</sup> Ш а й х А б у с а и д П и р и М а й х о н и й — та-  
саввуфнинг йирик намояндаси, у Ибн Сино билан  
ёзишмалар қилган. Уларнинг баҳси Шаққонда маш-  
ҳурдир.

Иъирсиган бу дунёда, поёни йўқ бу саҳрода,  
Мушкул осон қилурмишлар — шу даъво-ла.  
Не ранжу дард кўрмадим шу қисқа умрим аро.  
Не сирларни очмадим шу қисқа қиссам аро.  
Бу ўргумчак маскандан чиқсайди ҳақ хослари,  
Зоҳидликдан — кафандан чиқсайди ҳақ хослари.  
Бошимдан ўтганларни кўрсайдилар бир лаҳза,  
Ситамлардан жонимга кирганини минг ларза;  
Одамларнинг дардидан гардча бўлсалар огоҳ,  
Одамларнинг ранжига бўлсалар бир бор ҳамроҳ,  
Худпарастликдан кечиб, истардилар мардумлик,  
Кўзламасдан баланд қутб, истардилар мардумлик.  
Шу андишада эдим, хослар мажлиси тугаб.  
Шайхдан худойи бўлди гўё салом деган гап.  
Кўрди Пири Майхоний авзойимни паршон,  
У кузатиб боримни — қилар эди имтиҳон.  
Деди: «Эй азиялар, гар чунон кўрсамки кўргайман,  
Баҳс этмоқ жойи ҳозир мантиқни шунга бургайман.  
Уни менга, мени унга маъзур тутинг, парвардигор,  
Сизга ҳам ёр бўлсину бизга ҳам худо ҳамкор...»

### Ш а й х А б у с а и д

— Ажиб мужда эдинг, келдинг ниҳоят,  
Бошим кўкка етди менинг бағоят.

### И б н С и н о

— Зарурат изма-из — домангир елди,  
На банда, давр камонидан ўқ келди.

### Ш а й х А б у с а и д

Уқ-ёйи биланми ҳануз замона?  
Худодан қўйнимда омонлик — нома.

### И б н С и н о

— Кўкнинг аҳволидан шайхим гар огоҳ,  
Емғир ўрнига ўқ ёғар лек ногоҳ.

Ш а й х А б у с а и д

— Еру само бўшлигин тикиб тўлдирдик ишқдан,  
Шу бўшлиқда биз ўзни чандон куйдирдик ишқдан.  
Баланду наст бўлди тенг ҳам мисоли кафтимдай,  
Қўлларида йўқдир ўқ,  
Бўлмагай у қасдимда...

И б н С и н о

— Даҳр ҳолига йиғласам, сен куласан,  
Аҳволингга гар кулсам — хафа бўласан.  
Мен бу саҳрони кезиб ақл-ла қилгум баён,  
Ахир ўқи кўплиги менга аён.

Ш а й х А б у с а и д

— Ҳаким, бу амри ботилни кўз олдимга келтирма,  
Мен эманман — бехатар, гапни буриб ўлтирма.

И б н С и н о

— Токи ўқнинг бўлмасанг нишонаси,  
У суръатда лек бургут.  
Сен ибодат парвонаси  
Нишонга тегмаса тирим,  
Кечир, эй пир, тақсирим!

Ш а й х А б у с а и д

— Ҳақ амридан тупроқ — таъ,  
Бўлди жон учун маскан.  
Фосид<sup>1</sup> тан дард-чун пайдо,

---

<sup>1</sup> Ф а с о д л и — рутубатли.

Ҳар азоб руҳга аъло;  
Даво излаб зое ўтмасми умр ҳам,  
Қачон ёритибди ялдо тувин шам?

И б н С и н о

— Соғлом танда соғ ақл  
Эл қилур шундай нақл...  
Сизнинг бу дардингиздан бир хонақоҳ бедармон,  
Бири сайёҳи саргардон,  
Бири муршиди бефармон,  
Бирин имлар висол қутби — у бепоён,  
Хонаки бу шерларга бўлмиш хонақоҳ майдон.  
Дунёвий майдонларнинг ботирлари расодир,  
Ахир ер шерга жойу бургут учун самодир!

Ш а й х А б у с а и д

— Ўз камолу зотида одамнинг нуқсони бор,  
Хослар учун камолнинг бир йўли -- имкони бор.  
Бу йўлда бор тўрт даргоҳ:  
Саъю эътиمود, ишқу эътиқод,  
Йўл охири — олийлигу камолет.  
Худо сирига гўё устурлоб<sup>1</sup> ишқ ва нафрин,  
Ўқ ва найза, ханжардан ишимиз бўлмас зомин.  
Бизнинг кураш — тан қийнаш, инсонни қилмоқ абад,  
Шу юксак қутбдан имкон — имкон излаймиз фақат.

И б н С и н о

— Ҳикматда художўйга бир худо етар,  
Замон қўйнидан унга бир само етар.

---

<sup>1</sup> Астрономик асбоб, унинг воситасида юлдузлар ҳаракати мушоҳада этиларди.

Одамга одам бўлмоқ аслида-ку, муроддир,  
Ки бир гавҳардир насли, ки бир гавҳарга зотдир.  
Не қилар инсон уруғи худода?  
Одам экса наҳотки у самода?  
Ҳақиқат ончунон айтурки, айтур  
Ҳар жинс ўз жинсидан яралур.  
Бўлса шайхим инсон жинсидан агар,  
Худо зотига нечун у даъвогар?  
Валек худо эрур, сурат — тасаввур,  
Сурат синса агар, сират йўқолур.

### Ш а й х А б у с а и д

— Олий қароргоҳ юксак, барисидан-да, покдир,  
Худо иноят қилса, ҳар хосга хок афлок<sup>1</sup>дир.

### И б н С и н о

— Одам жисму жонидир бир умр касбу корим,  
Мен аҳли тиббу ҳикмат ҳикмати талабгори.  
Бандалар васл қутбин макони хок ё афлок?  
Шайхлар мавтин макони фалакми ёки тунреқ?  
Кун келиб шайхим худо бандадек ё ўлади?  
Одамлардай жон узар ё абадий бўлади?

### Ш а й х А б у с а и д

(Калом ложавоб бўлди,  
Кўзларига сукутдан гўёки уйқу тўлди.)  
— Ҳар ҳолда, яқунлармиз жою жомани охир,  
Йўллармиз номимизга охириномани охир...  
Келмади ваҳи шайхга на бир ўзга манзилдан,  
На гил қаъридан келди ва на самовий дилдан...

---

<sup>1</sup> Фалак.

Қайгаки етмадим бало ҳам етди,  
 Ҳар харсангдан менга садо ҳам етди.  
 Жаҳон келмас магар худо эсига,  
 Бир мард қайда уни солса изига.  
 Маҳмуд даври агар даврон аталур,  
 Чарх чапша бурилиб — терсга айланур.  
 Дасти дарозидан тубан фикридан,  
 Ерга яксон бўлди илму фан.  
 Башарга у фақат айтур бир калом...  
 Жаҳолатга асир, гуломсиз — гулом.  
 Девлардай олишгай тонг нури билан,  
 Зафар қозонолмас минг зўри билан.  
 Буюклар ҳикмати элга ёйилди,  
 Уларнинг ҳурмати дилга ёйилди.  
 Лекин шоҳ истаги дунёда шу он,  
 Доноларга келтирса қирон.  
 Лекин бир донадан юз дон унишин,  
 Билмас у законинг мангу туришин.  
 Бу чароғдан равшан тортган ҳар бир жон,  
 Қароликдан холи бўлишин шу он.  
 Неки амр этар у амримга зиддир,  
 Фақат ўзимгамас аҳдимга зиддир.  
 Бахш этсам агар мен бировга даво,  
 У минглар ёстиғин қуритар вабо.  
 Аввал аҳволимни у нигун қилди,  
 Ватандан айириб жигархун қилди.  
 Энди ҳар жаҳдимга тўсиқ солгай у,  
 Ҳам ором, ҳам орзум бирга олгай у.  
 Бешигимга ноз-ла сизиб ётардим,  
 Энди буюкликда сизмам шаҳарга.  
 Қўрқаман — сизолмай қолсам даҳрга,  
 Ақлиму кўзим-ла истаб, изладим,  
 Замину замонга нек шоҳ кўзладим.  
 Эшитгандим, Қобус шоҳи навқирон,

Сосонлар у билан шоду фаровон.  
Энди кўрсам, бўри русми Гургонда,  
Ҳақиқат хор ва чапгали нодонда,  
Қобус Вашмгирнинг асли фарзанди,  
Бўлди ўғил кўлида<sup>1</sup> забуну банди.  
Мозандарон шерлари қайда бу замон,  
Бу жонворлар таъзири берса осон.  
Рустам сафар қилиб ушбу дostonдан —  
Чангини чиқарса қани осмонга.  
Вашмгир қудрати ҳам бўлди бекор,  
Гургонда йўқ энди кўзланган дўст-ёр.  
Умрим ўтмоқдадир шундай овора,  
Халқ дили бунда ҳам экан дилпора,  
Умид қилгандимки, хотиржам бўлиб,  
Тарқоқ ўйларимни ёсам жам қилиб.  
Бошимда не бахти қаролик бўлди?  
Умид узилди, дил яролик бўлди!  
Шукрим, бенасиб эмас илму фан,  
Дунё этагидан бор унга ватан.  
Гургонда харидор қолди-ку, чорлаб,  
Умидим юлдузи қолди-ку порлаб...  
Шерознинг эшиги ланг очилди боз,  
Жўшқин баҳслар ҳам бошлади парвоз.  
Доништалаблардан хуш эди дилим,  
Бухоро ўйлари берур ҳосилин.  
«Қонун»ни бошладим баҳосият тун,  
Лек дардда ёнарди борлигим бутун.  
Шабдизда кўп экан дардга гирифтор,  
Жамоат минг-минглаб келарди қатор.  
Бу дарддан кўпларни ютар қаро ер,  
Иситма ёндирар ҳам титратар тер.  
Не чора қилсамки даво бўлolgум,

---

<sup>1</sup> Манучеҳр Шамсулмаоли Амир Қобус бинни Вашмгирнинг ўғли, у сипоҳийлар игвоси билан ўз отасини зиндонга ташлаб, ўлдиради.



Одамларни шифо йўлига солгум.  
«Мажастн»<sup>1</sup> билан мен бўлдим қадрдон,  
Бу дард таъбирини изладим чунон.  
Бу фан хусусида Юнон мададкор,  
Аmmoки шаҳонга уни ёйгум бор.  
Бу шаклу манзар-ла камлик қилади,  
Юнон иқлимидек намлик қилади.  
Агар илм манзари бир юрт учундир,  
Бошсиз тан эрур у тансиз бош эрур.  
Мен уни оламга қилгум сазовор,  
Қўш қитъа, қатрага жойлагум ҳамвор.  
Не бахтки, гурбатда мен ватан топдим,  
Илму фанга дўсти жону тан топдим.  
Жузжонийдай доно менга ёр бўлди,  
Умрим ривожига сабабкор бўлди.  
Илму амал васли оҳир етишди,  
Тажрибамдан умид ҳосили пишди.  
Агар фазл дунёдир, унга манзил йўқ,  
Агар илм дарёдир, унга соҳил йўқ,  
Агар меҳр ғуруб қуёши эрур —  
Дилларга ботару диллардан чиқур.

#### ЕТТИНЧИ МУШКУЛОТ

Шоҳлик дабдабаси эрлардан кетди,  
Рустам майдондан бир чеккага ўтди.  
Аёл даргоҳига ташриф этдик биз,  
Аёл хиргоҳига ташриф этдик биз.  
Жибол йўлларида юрдик Рай томон,  
Оҳу каби қочиб сайёддан чунон.  
Райда кўнлар менга чиқдилар пешвоз,  
Мен бечорага бўлиб чорасоз.  
Хоса эди манзил — мен тушганим жой,

---

<sup>1</sup> «А л-М а ж а с т н» — юнон олими Батлимус — Птоломей китоби, Ибн Сино уни шарҳлаб, тўлдиради.

Шунча азобдан сўнг — роҳат ҳойнаҳой,  
 Сўнг Жузжоний-ла дарборга келдик,  
 Саида<sup>1</sup> билан биз гуфторга келдик.  
 Малика тахтда-ю бошидадир тож,  
 Деди: «Иложин қил, гар топсанг илож...  
 Бу тахтнинг вориси келди омадсиз,  
 Вужудин суслиги қилар-ку, бахтсиз.  
 Мажидуддавла аталур фарзандим,  
 Элу мулкимга бўлғуси пайвандим.  
 Ўзини эплайди бир нави ўғлон,  
 Лек жаҳон ишига у хом, паришон.  
 Унинг ақли қисқа, менинг умрим ҳам —  
 Бу юртни бошқармоқ учун ушбу дам...»  
 Сино деди: «Умрингиз бўлсин узоқ,  
 Аммо шифо қилурман, дард бўлса-да, тоғ».  
 Бемор билан суҳбат бошладим аранг,  
 У асрор эшигин очди менга ланг.  
 «Ғам агар дард эрур, гирифторман мен,  
 Бош эгиб олдида бир ночорман мен.  
 Мен ворисман ушбу юрту давлатга,  
 Онам ҳукмрондир лек салтанатга.  
 Менинг ёшиям туну кун у кам қилур,  
 Ўз ёшига қўшиб магар жам қилур.  
 Бу аҳволда топайин қандай камол,  
 Онам давлати топар қандай завол?!»  
 Дард илдизи аёндир ўзлигидан,  
 Тан суслиги идрокнинг суслигидан.  
 Боз вилоят савдоси ўраб бошин,  
 Қора илондай кемирар бардошин,  
 Иби Сино деди: «амримга сол қулоқ,  
 Фан амридан умринг бўлғуси узоқ;  
 Барча ўйлардан ўзингни озод қил,  
 Ова дийдоридан ўзингни шод қил.

---

<sup>1</sup> Саида Малика хотун ўғли Мажидуддавла бало-  
 рат ёшига етгунча вилоятни ўзи идора қиларди.

Модар дийдори давлатдир, кимё,  
Бедаво дардларга ҳам шудир даво.  
Сўнгра мен дори-дармонга ўтай,  
Тан мулкингни фармонишга эгдирай».  
Ҳаким фармонига охир эгди бош,  
Неки деса барин бажарди ювош.  
Утиб кетди қарийб бир ой орадан,  
Қайта туғилди гўёки онадан.  
Дарди кетиб, саломатлик ёр бўлди,  
Ишларига журъат ҳам бисёр бўлди.  
Ун саккизга ёши бўлди гўё тенг,  
Тундлик кетиб, шимармоққа тушиди енг.  
Маликадан қилди талаб тахтни ҳам,  
Маликадан олди бутун бахтни ҳам.  
Ушбу мушкул дарддан она ҳам ўтди —  
Балолардан у тарки олам этди...  
Туғма заиф асли ҳукмдор ақли,  
Айиролмас эди ҳақу ноҳақни.  
Сипоҳ хайли кўтарди қарши исён,  
Энди қайга қочмоққа эди ҳайрон.  
Бадқирдор Маҳмудга у ёзди нома,  
Ундан мадад кутарди аҳмоқона.  
Иттифоқо, Мозандарондан Маҳмуд  
Рай сари лашкар тортди беҳудуд.  
У номани олди-ю, амр берди боз,  
Амри бепарда-ю, эди бепардоз.  
Деди: «Ҳожиб<sup>1</sup>, бизларга ушбу нома,  
Мақсудимиз учун ёпинчиқ-жома.  
Мард бўлсайди, Ватан-чун берарди бош,  
У ўз боши учун бермоқда-ку, бож.  
Амирми бу ёки бебош бир гўдак,  
Гавҳар унинг-чун ўйинчоқ, бир эрмак.  
Ё у султон боши-ла ўйинамоқчи?  
Ё у нодон деб мени ўйламоқчи?

---

<sup>1</sup> Эшиқбон.

Гарчи бу ҳийладир, тадбир эмас,  
У менинг-чун арзирли тақсир эмас.  
Гавҳару дурдан мен ўғирмам-ку юз,  
Чиқараман уни майдондан сўзсиз».  
Бефаросат амирни тугтиб олгум,  
Унинг аҳволига бир назар солгум!  
Султон амри худо амридан ўтди,  
Доно-ю, нодонлик ҳаддидан ўтди.  
Субҳи содиқ ўзи бўлди гувоҳи,  
Мажидуддавла ва бир неча сипоҳи.  
Ўз ёнига ўз-ўзи ҳамроҳ бўлди,  
Асир тушиб у саги даргоҳ бўлди.  
Қисмат ўйинида бордир шевалар,  
Шажар<sup>1</sup>дан тушади ажиб мевалар!  
Ўз қонига ўзи зомин бўлур ким?  
Душманига ўз бошини эгур ким?  
Қайси бебош, ахир қайси бир нодон,  
Ўз юртига солгай ўлим ногаҳон?!  
Ушбу масалга жодир Султон сўзи,  
Бало ваҳмидан афзал бало ўзи...  
Юртнинг ҳар бир дарахти юрт учун дор,  
Шохларига тўлди — бош била дастор...  
Султонларнинг дарди асли бедаво,  
Қайданам мен нодонга бердим шифо!  
Шу мақшарга ўзим сабабкор бўлдим,  
Ёмонга зид эдим... гуноҳкор бўлдим.  
Билардим-ку, курашда — яхши-ёмон,  
Нуру зулмат жанги кетар беомон.  
Бу зулматга ўзим келдим юзма-юз,  
Курашмоққа... ана тополмайман сўз...

---

<sup>1</sup> Насиба улашувчи дарахт.

<sup>2</sup> Ҳамадонда Ибн Сино шогирдлари янги кўмилган мурдаларни тажриба учун яширин келтиришарди. Тиббиёт амали зарурати юзасидан у шундай деган эди: «Мен учун бу жасадларни ўрганиш Гален таълимидан муҳимроқдир».

Ҳайф бу билим, ки мен ғофилгир бўлсам,  
Равшанликда аввалу оқир бўлсам.  
Кураш абадий — боқийдир йўлларим,  
Очиқ кетар гўр, кафандаи қўлларим...

## САККИЗИНЧИ МУШКУЛОТ

«Қонун» — худованд амри-ла лаҳаддан<sup>2</sup>  
Дўзахдан ё чиқарибми жаннатдан,  
Янги жасад келтиришди ярим тун  
«Дунёталаб» кафандуздек ёширин.  
Ертўлага киргиздилар беозор,  
Бу ҳақиқат сир тутилмоғи даркор.  
Сақлаб сукут тепасида бир нафас,  
Лол туришди бариси ютиб нафас.  
Ертўладан кўтарилди икки тан,  
Сўз тополмай иккиси ҳам ушбу дам.  
Қолди биров совуқ жисм ёнида,  
Қўлда наштар — илмининг армонида.  
Шам била у ёритди мурда юзин,  
Бошдан-оёқ термулди тикиб кўзин.  
Фаҳмлади Сино, хотин жисми бу.  
Шивирларди ўзига ҳаяжондан:  
Ҳақ амри кўрсатган ушбу нишондан,  
Ғам пайкарин кафанини кўтарди,  
Ҳаким қони ёниб, танин ўртарди.  
Кўзин юмиб, ундан ўгирди юзин,  
Бу зебо ким, бу мушкни соч ким ўзи.  
У шунчалар гўзал эди, лек жонсиз,  
Ҳиди кетган гул баргидай ва қонсиз.  
Умри ўтиб кўрмаган бундай малак,  
Она билан тупроқ қўйнидан бўлак.  
У санамни қучмаган ҳеч бир оғуш,  
Наштарининг дами қайтди ва нохуш.  
Унга қўл тегизмоқдан ҳайиқди,  
Мармар танин кўриб юраги қалқди:

«Ахир сени қилдим жаннатдан жудо,  
Мисоли аждодинг Момо Ҳаво.  
Маъзур тут, Фирдавси дунё каби ман,  
Абаддир мен қўлини тутганим бу фан.  
Тортиб олган бўлсам дўзахдан бу чоғ,  
Ой юзингда нечук йўқ бирер-бир доғ?  
На бир тутун анқир сенинг сочингдан,  
Бир тук ҳам ёнганмас ахир қошингдан?  
Нега асар ҳам йўқ оловдан сира?  
Қайга кетди жонинг, поку бекира?  
Дўзах азобидан асар кўрмадим,  
Дўзах жазосидан асар кўрмадим.  
Сени топган оним — бўлди зўр бир дарс,  
Афсоналар деворига кетди дарс.  
Ким жасадга яхши-ёмонлик йўқ, йўқ,  
Шайх истаган хатти-омонлик йўқ, йўқ!  
Шитоб-ла кетдинг нега сен, суманбар?  
Надоматки, эмасман бир пайғамбар.  
Ки бир нафас сенга жон ато қилсам,  
Ё ўз жоним бериб мен фидо бўлсам.  
Ҳаддан эрта сенга ёнишмиш қазо,  
Қилиб сендан руҳи равонинг жудо.  
Етсайдинг менга бир оқшом олдин,  
Қилмасидан беҳуд — бир жом олдин.  
Тамомила заҳар бўлса-да, қонинг,  
Тозалардим, омон сақлардим жонинг.  
Энди дориларим мен учун заҳар,  
Кафан килр эдим илежи бўлса гар.  
Қутулмоқ-чун бу чорасиз аҳволдан,  
Бу дардингга даво амримаҳолдан...  
Эҳ, сочлари тун қора, эй ой рухсор!  
Хонасўз оташга бўлган гирифтор.  
Ҳатто тошни келтирарсан ларзага,  
Тошдан тошлик оҳи кетар лаҳзада.  
Эҳ, навкафан, келин бўлган кафанда,  
Қонинг ғамдан қуриб қолмиш баданда.

Китобимни сенга атаб ёзарман,  
Замон дардига мен даво изларман.  
Сенинг дардинг замон дарди эрур, бас!  
Сенинг маргинг замон марги эрур бас!  
Бу музтарлик, бу бедардликда якка,  
Фарёд қилди етгунича фалакка.  
Деди: эй жонбахш худои карим.  
Сен юксак чархдасан, Сино — замин!  
Сен жон бериб, жон олгучи, мен — харидор,  
Сен одилсан ўзингча, мен гуноҳкор.  
Бу пастликка нечун юксакдан охир,  
Узун қўл-ла қисқа ич қилдинг тақдир.  
Агар амри кулдир сенинг атойинг,  
Тузатиш менгадир — кичик хатойинг.  
Бу зулмат тунида мен нури тобонман,  
Агар бўлсам-да, донойи нодонман!  
Қўрқаман, нурим чиқармоқдан ҳам,  
Забун қиладилар ҳолимни шу дам.  
Менга соя каби эргашар соянг,  
Шайх аталгувчи гумроҳ — ҳамсоянг.  
Амримни куфр дея қилади эълон,  
Баҳолойди фанимни панди шайтон...  
Ажалга қасдим бор, нега сен, аммо  
Азални ҳимоя қилурсан, худо.  
Агар жанг истасанг, истасанг талош,  
Пардангни йиртурман — сени қилиб фош!  
Қонуим сенга бир хатми Қуръондир,  
Шифоим жонингга душмани жондир.  
Нажотим нажоти бутун одамдир,  
Менга одамдиру сенга Оламдир...  
Бу баҳсга бермади салою-садо,  
На тупроқ пайкари ва на-да, худо...

#### ТУҶҚИЗИНЧИ МУШКУЛОТ

Жаҳон охир башарга зиндон бўлди,  
Ешлик қалқон бўлай деб яксон бўлди.

Менинг касбим заминдан осмон қадар,  
Қанотланди ҳикмат-ла жаҳон қадар.  
Ҳар одам мен учун эди бир олам,  
Олам ғами эди мен тортганим ғам.  
Жаҳондан матлаб изладим ва етдим,  
Ҳар нарсага ақлим-ла бовар этдим;  
Ажал қулфин изладим ердан бир-бир,  
Билмам унинг ришталари қайдадир:  
Қасрдами, дор остида ё кони?  
Сувдамикин ё тоғинида макони?  
Билмадим, ё у дардга ҳамроҳмикин?  
Ё мард каби майдонда огоҳмикин?  
Билмадим, тан фасодидами ниҳон  
Ва ё жонда у равонми, у равон?  
Зарра гина қилмам сиздан амирлар,  
(Нодонлигу жаҳлга сиз асирлар).  
Ёстиғимда ҳали қўймасидан бош,  
Доруимдан тамшанмай, бўлиб ювош.  
Дард тортган чоғ ўзни доно тутасиз,  
Жоҳилликини бир нафас унутасиз.  
Чиқарурсиз мени тахтиравонга,  
Бир қарасам боз солурсиз зиндонга.  
Жаҳондорлик агар юксак илмдир,  
Нега у гоҳ устундир гоҳ остиндир?  
Жаҳондор огоҳ бўлмаса ўзидан,  
Иш тутмаса адлу ақл кўзидан.  
Сўқма ақл унга беролмас илож,  
Бош соҳибни бўлмаса гар соҳибтож.  
Донишмандлар билмаганини билурман,  
Мен ўзга коп ва макондан бўлурман.  
Валеқ илм йўлини пеша қилгум,  
Буюклар зотидан андиша қилгум:  
Билим бемакону ҳам бемакондир,  
Ажаб соҳибжаҳонлик бежаҳондир!..  
Амирлар давраси ичра ҳақирман,  
Разиллар ҳалқаси ичра асирман...



Шамсуддавла<sup>1</sup> тебут кутарды ҳатто,  
 Қилдим унга иккинчи умр ато.  
 Қулинжини ичидан тортиб олдим,  
 Валек кибру ҳаво бошида қолди.  
 У кибр сўнг бўлди жонимга бале,  
 Икки зиндонни эгди менга раво...  
 Мен мажозий зиндонда банди эдим,  
 Лек асосий зиндон пайванди эдим.  
 Зиндон ахир тириклар учун зиндон,  
 У мен учун зиндон эмас, бир жаҳон.  
 Мен илм-ла тирикман-ку, бунда ҳам,  
 Дунё юки елкамдан соқит бу дам.  
 Яна ўзга равза очиб «Қонун»га,  
 Жо айлайин барча гиёҳни унга.  
 Илон захрию гул исни сингдирай,  
 Жоиларга шу таркиб-ла оро кирай.  
 Табиат сирларин билолдим осон,  
 Аммо тутқич бермас ҳеч макри инсон.  
 Дунёга бахшида қилгум «Шифо»ни,  
 Беш ҳикмат юзида — бешта дарёни.  
 Жо қиламан унга не яхши, ёмон,  
 Юнондан то Бухоро — барин равон.  
 Ошиқлар-чун бунда рисола битдим,  
 Ҳай<sup>2</sup> ишқидан дилларга олов тутдим...  
 Бунда мен гоҳ вазиру гоҳ асирман,  
 Гоҳ назаргир, гоҳида беазирман.  
 Дардманларни синадим умрим бўйи,  
 Ростгўй тилимни тиш тўсар шу кўйи.

<sup>1</sup> Шамсуддавла Сайиданинг иккинчи ўғли, Ироқ-қача етган Ҳамадон ерларининг амири эди. Ибн Сино Ҳамадонга етиб келганда у қулинж дардига ча-линганди. Синодан шифо топиб, уни бош вазир этиб тайинлади.

<sup>2</sup> «Ҳ а й б и н н и Я қ з о н» — Ибн Синонинг иш-қий-қиссаси, Ҳамадон зиндониде ёзилган.

Бу замоннинг дарди фақат тандамас,  
Дардлар иложи фақат кафандамас.  
Бир дард берки, бари дардлардан ёмон —  
Ранжу қисматлардан тузилган замон:  
Чора йўқдир, чорасиз умри банди,  
Ишқал қилур илмимни замон панди!  
Юртнинг шоҳи учун ушбу вилоят,  
Унинг нафсига ҳеч бўлмади кифоят,  
Торам<sup>1</sup> сари ўғримча лашкар тортди,  
Ўз бошига ўзи фалокат ортди.  
Ярим йўлда тутди боз ўша касал,  
Ўлими тилга тушди — ўлмай аввал.  
Ўлар қолатда қайтарди лашкари,  
Эгасиз отдай қайтарди лашкари.  
Валиаҳди<sup>2</sup> тахтга ўлтирди чинлаб,  
Сувори бўлмаган тойдай гижинглаб.  
Бу чопар той йўртиб-йўртиб бир кун  
Охирига етказур бу ўйинни...  
Самоуддавла деди: «Бу аморат  
Қолди магар бебазиру вазорат!  
Тадбиркордир Сино ҳар бир бобда ҳам  
Мажлисимиз қадрин кўтарсин бу дам.  
Ҳақим деди: туғилмас балад ҳикмат,  
Бу настликда ақлу зақою фитрат.  
У биларди бу қавми бебафони,  
Елкасидан ҳоли қилди балони.  
Дилгир эди жаҳон шару шўридан,  
Яширинди гулга гулнинг бўйидай.  
Паноҳ бўлди Абуғолиби Аттор,  
Асраларди уйда бу сир-асрор.  
Мантиққа боғлади шунда «Шифо»ни,

---

<sup>1</sup> Шамсуддавланинг Қирмоншоҳга қарашли тоғликлар сари лашкар тортгани кўзда тутилади.

<sup>2</sup> Ярим йўлда Шамсуддавла қазо қилгач, Ҳамадонга унинг ўғли Самоуддавла ҳукмрон бўлди.

Очди у ҳикматин арзу самони.  
Самоуддавла тождори омонат,  
Сино бўйнига боғлади хиёнат.  
Уни юксак қалъасига қамади,  
Суду зиёнин баробар санади...  
Жаҳон уйқудаю у эди бедор,  
Жаҳон тадбирига у келса-да, кор.  
Айбсиз айбдор бўлиб ўлтирарди у,  
Исфакондан лашкар босиб келди-ю.  
Алоуддавла<sup>1</sup> боз тушди забтга,  
Хушёр рақиб қарши — суэт бир рақибга.  
Қўрқоқ амир ўйлаб ўз жонин,  
Соғди ўз юрти-ю, ўз хонадонин.  
Истади душмандан ўзи ҳимоят,  
(Мен унинг бандиси эдим шу соат).  
Агар шундай бўлса мулкдорлик расми,  
Магар жаҳонда бир — тождорлик асли!  
Совуди шоҳларнинг жанг била ови,  
Ана қолди хом иш келмай қайнови.  
Шоҳу зиндонийлар бўлиб баробар,  
Зиндон эшигидан чиқдик — баробар.  
Бу ердан ёрлик риштасин кесдим,  
Исфакон тарафга эҳтиёж сездим.  
Ярим тун йўл олдик дарвин сингари  
Бало ортда қолиб, босдик илгари...  
Қарор тилай-тилай еру гардунга,  
Алвандгаю, Гургонгаю Жайхунга?!

### ЎНИНЧИ МУШКУЛОТ

Исфакон юртига қўйганда қадам,  
Дарвишнамо эдик биз барчамиз ҳам.  
Сўнгра ато бўлди хилъати хоса,  
Бу коса тагида кўрдим нимкоса.  
Бу даргоҳда юкланди менга кўп юк,

---

<sup>1</sup> А л о у д д а в л а — Исфакон амираи.

Энди бунда кутаркин не кўргулик?  
Вилоят амири<sup>1</sup> қилиб аржуманд,  
Мавқим кўтарди бирдан у баланд.  
Қар жума анжуман йиғилиб зумда,  
Янгича назмдан, кўҳна русмдан.  
Кўҳнадўзлар баса йиртарди шағин,  
Фано ели эсиб улардан тағин.  
Кўҳна пирларга мен пиру беш эдим,  
Замон оҳи билан оҳангдош эдим.  
Тун тегирмон каби айланур жаҳон,  
Забар ўз зеридан гоҳ жудо замон.  
Дедим кўкдан не ваҳи, кўрқув кутасиз,  
Маҳмудга уч кунлик даврон тутасиз.  
Уч айланяб яна отилса бир тир,  
Жаҳл дово пейига тундай асир.  
Бесама дунёдан тортиям гуруҳни,  
Ботроғу балодан тортидим гуруҳни.  
Илму ҳунардан боғлаб заррин камар,  
Ўзни бардам тутди ҳар бобда улар.  
Ўзни бир оз сездим энди хотиршам,  
Паришон ўйларим этмоқ учун жам.  
Дарий лафзида мен дил изҳор этдим,  
Онам шевасини улугвор тутдим.  
Мен ҳам сўзлар эдим шу тилда асли,  
Шу тил томир эди бу дилга асли!..  
Хуросондан ногоҳ етди бир кабар,  
Маҳмуд қилмоқдаминш биз ёрқа сафар...  
Дунё этагини тутди устивор,  
Дунё этагига лек на тутқич бор.  
Бесуман бу дунё этак қорса гар,  
Инжиқ боламисол кетингга тунар.  
Менга раво кўрди алам-ла рангини,  
Хато кетди у шоҳ — шатрагини.  
Қаттиқ жабр этса-да қилмадим дуо,

---

<sup>1</sup> Ушанда Исфохон амири Алоуддавла эди.

«Ки бахту тахтидан бўлсин деб жудо».  
Чунки кин сақламоқ менга хилофдир,  
Ҳикматга хилофдир, фанга хилофдир.  
Магар одам келиб дунё қошига,  
Чақмоқдай чақилур жаҳон бошида?  
Магар ўлмоқ учун келади одам,  
Ютмоққа тайёрдир бу кўҳна олам?  
Умид тийра бўлса жаҳонда агар,  
Оқармас эди кун мангуга қадар!  
Кел, фурсатидир, косагул, торт май,  
Умр ранжин нўш айлайлик пайдар-пай.  
Димоққа равшанлик бахш эт сен бу чоғ,  
Тунги ёритгандек милтироқ чироғ.  
Муғанний, сезингни қўлдан қўймай чал,  
Томир уришига ўхшатиб бу гал.  
Куйингдан жонлансин ахир лоқайд дил,  
Қалбимнинг муроди ҳам бўлсин ҳосил.  
Кел эй, рақсга туш Зухро юлдузи,  
Ларзон бўлсин олам танининг ўзи.  
Тош юклар босгандир чунки йўлимни,  
На йўл — борлигимни, ўнгу сўлимни...  
Сен эй, Жузжоний, очгил вафодан,  
Ҳикматнинг бир бобин менга «Шифо»дан.  
Мен ўз ишларимдан сарфароз бўлай,  
Бу ғамгин саройдан ҳам халос бўлай.  
Наҳот тақдир қилмас ўзгача бир кун  
Эртанинг умиди не келтираркин...  
Индин не кун бўлди, қандай субҳ отди?  
Мулк сари Масъуд лашкарин тортди.  
Доду фарёд тўлди Исфаҳон бўйлаб,  
Тилу баён куяр шарҳини сўйлаб.  
Бу жангда Масъуд бўлди масъуд<sup>1</sup>,

---

<sup>1</sup> Султон Масъуд — бинни Султон Маҳмуд  
Ғазнавий 1030 йилда Исфаҳонга ҳужум қилиб, Ибн  
Сино кутубхонасини ғорат этади, шу жумладан 20

Бу гупроқда неки бор — қилди нобуд.  
 Менинг хазинамни у қилди торож,  
 Боримни талади, қолмади илож,  
 Олдилар чанг солиб, талаб «Инсоф»ни,  
 Саҳифалар тўла нақши саҳҳофни.  
 «Ҳар сирдан гарчи мен парда кўтардим,  
 Сен учун буларни маъзур тутардим»<sup>1</sup>.  
 Қайларга элтасан ҳикматли Шарқни,  
 Қай ҳолда элтасан оташи барқни?!  
 Тун-куним заҳмати кетмоқда, афсус,  
 Мажолим ҳасратда йитмоқда, афсус.  
 Дариго ману водариго фан,  
 Иккимиз учун бир мато гар кафан!  
 Ер қаъридан юксак чарх сари,  
 Кин йўлидан бўлак юрдим сарсари.  
 Шу йўл мени ана ғофилга солди,  
 Афсуски, хирадни боз жоҳил олди!  
 Бу мулкдан ҳам лозим тамоми кетсам,  
 Фаришта эмасман — фалакка етсам.  
 Бу сафар қилмаса бадар қўрқаман,  
 Оламни мендан у, мени Оламдан.  
 Бу жангда ҳар нарса топади вужуд,  
 Тирик қолур дейман бир — Зоиндаруд!<sup>2</sup>  
 Жаҳон абадлиги илм-ла давомдор,  
 Илмим яшар экан, номим барқарор!

### СЎНГИ МУШКУЛОТ

Абадий деган эдинг Ерни — ана муқаррар,  
 Ақлни нур дегандинг олам ундан мунаввар.

---

жилдли «Китоб-ул Инсоф»ни. «Ҳикмати Ашроқия»,  
 «Қонун» нинг олтинчи китоби ва бошқа қимматли  
 қўлёзмаларни Ғазнага олиб кетади. Малик Ҳусайн  
 Ғури Тоши Фаррон амри билан бу хазина ёндириб  
 ташланади, Ибн Сино бениҳоя ғазабга келганидан  
 қулинж касалига гирифтор бўлади.

<sup>1</sup> Бу байт Ибн Синонинг «Айнийя» қасидасидан.

<sup>2</sup> Дарё номи.

Сирлар дунёсин очиб дедингки ёзар қанот  
Ечдинг ажал сиричи...

тилсिम бўлди боз ҳайҳот!

Улкан мия каби ер — гамга бетиб ётибди,  
Илмингу қабринг билан гир айланиб ётибди.  
Алванд-чўқди остида кўкариб ётган гумбаз,  
Инсон ақлин устивор эканидан эгар баҳс.  
Бу инсонлар ақлининг равнақига ишорат,  
Унда яшар сарбадорлар қалбидаги жасорат.  
Қиллолмади дор ювош,  
Қийноқларга бериб дош.  
Фарзона-ю, мардона қиличга тутдилар бош...  
Валеқ қасд била қасос пайт пойлаб юрар ҳамон  
Яхши-ёмон ҳампалла,

ҳамшайину ёнма-ён.

Аламзада асрингизу бизнинг аср аро, устод  
Минглаб қабр қабарди,  
Минглаб қаср бўлди барбод.  
Ақл қудрати билан чиқди Заминдан Одам  
Осмону ер бу авждан бўлди ягона Олам —  
Ажаб Оламки, ойни кўрди кул саҳромисол,  
Ажаб Одамки, Зуҳрога чиқиб ўзи бўлди лол.  
У юксагда ўзлигин янада комил кўрди,  
У бепоён саҳрода ўзини ҳосил кўрди.  
Ўзин устивор кўрди — ўзга пасту баланд йўқ,  
Унда юз жаҳон бору лек асосий пайванд йўқ;  
Бу — одамзод дунёси яратгувчиси инсон,  
Қуйи солиб бошини йўл олди боз ер томон...  
Ҳақимлар ҳам ҳамонки ажал-ла олишади,  
Ўлим олдида ҳамон бош қуйи солишади,  
Ечолмай ажал сирич тил тишлаб қолишади.  
Умр абадлигига пайванд аслу насллар —  
Ўзилган умр давомин тўлдиргувчи васллар.  
Бедилу соҳибдилга дил ҳам яратди одам,  
Заҳардан дармон ясаб дардин аритди одам.  
Думли юлдузмисоли яроғ қилди ихтиро,

Ҳароратда қуёшдан, суръатда нурдан аъло.  
Жаҳон юлларимизни яхшиликка элтмоқчи,  
Келажак ҳам ўзинг-ла юзма-юз ўлтирмоқчи.  
Шива<sup>1</sup>нинг хандон юзин абадликка тутмоқчи.  
Ўзга бир жаҳон ҳам бор маҳмудона иш тутар,  
Дунёнинг бор-будини нобудлик сари элтар.  
Вашингтонни кўргил, қанотли мушаклари  
Фалакка ета олмай қулаб тушар юклари...  
Паймона пиёласин ясайди чиннидан Чин  
Бут тарашлар, чинни бут бўлар тағин чилпарчин.  
Чиннинг хонадонлари қувончдан эди равшан,  
Дариго, энди бу юрт дурлари ҳам таланган.  
Балли, қасд билан қасос пайт пойлаб юрар ҳамон,  
Бир-бирига ёнма-ён, ҳамсоя — яхши-ёмон.  
Лекин қуёш яхшилик манбаидир абадий,  
Унинг нуру — қўли силар тирикликни абадий.  
Саҳарлар ер борлигин олар тамоми қучиб,  
Ўз нуримдан бўлак ўт куйдирмасин уни деб,  
Оташ туни.  
Сомон хонадонининг кўкка ўрлаб тутуни  
Сен куйган аجدодларнинг ўртасидан суғрилиб,  
Ота мероси мисол Бухоро фазлин шу куй,  
Она меҳридек элтдинг ва улашдинг уйма-уй.  
Жаҳон қоронғи, лекин йўлларинг ёруғ эди,  
Аждодлар оташидан сийнанг лахча чўғ эди.  
Сен ўтдинг хароб шаҳар, қон тўлган Мўлибидан  
Ва телба бу Жайҳундан.  
Ситоранг кўкда ҳамон тунинг ёритар эди,  
Она нигоҳи илҳақ сенга кўз тутар эди.  
Сен ўзингдан кетмадинг, гарчи Ватандан кетдинг,  
Йўлингда тўсиқлардан марду мардона ўтдинг.  
Нажотни жаҳолатдан, қутқазиб суроилардан,  
Ҳақиқатни елкансиз ўтказиб бўронлардан,

---

<sup>1</sup> Ш и в а — Ҳиндлар худоси, ўз сиймосини сак-  
киз хил — яхши-ёмон ҳолатларда ўзгартириб туради.



Ва охири Алвандга қилдинг жонингни пайванд.  
Юнон Олимпи бўлди тожик фазлидан Алванд<sup>1</sup>.  
Худолар-ла кўришиб,

гадолар-ла тиллашдинг,

Паст-баландни тенг кўриб сен борингни улашдинг.

Сўнмас нурдир қучоғинг,

Онанг кўзи — чароғинг,

Бор коинот қароғинг.

Суҳбатдош бўла олдинг машҳур Афлотунга,

Қўл ҳам сололдинг унинг яратгани — «Қонун»га,

Беш равза<sup>2</sup> ни очдинг сен панжа уриб гардунга.

Бу равзалардан ақлинг нурлари осмон қадар,

Овозанг ҳам макондан чиқди «ломакон» қадар.

Панжара-ла тўсарди шарият беш бобингни,

Зоҳидлар қароларга бўярди савобингни.

Тўсиқлардан ошганди қонунинг аллақачон,

Манзилдан-манзилларга ўтар эди беармон.

Мардумга дармон бўлиб, ўзга чорасиз қолдинг,

Болишгамас, шер-тош<sup>3</sup>га бош қўйиб ҳолдан тойдинг.

Қулоғингга етарди она алласи танҳо.

Кўзингдан сирқиб тушган сўнгги юлдузми, ашк ё?

Сен кўз юмдингми айтгил ёки донолик юмди?

Лек илмингдан жаҳоннинг кўзларига нур инди.

Тобутинг мисоли бир сайёра тебранарди,

Онаизор Бухоринг — бешинг тебранарди.

Аввалинг — Бухородир, абадлигинг — Алванддир,

Икки манзил мангуга банд-банддиру пайванддир.

Жисминг-ла пайванд қилдинг,

Исминг-ла пайванд қилдинг,

Сарҳадларни ёриб сен бир жону бир тан қилдинг.

Бош косаси мисоли қабринг устида гумбаз,

---

<sup>1</sup> «Алқонун»га ишора қилиняпти.

<sup>2</sup> Р а в з а — жаннат, боғ.

<sup>3</sup> Ҳамадонда Ибн Сино қабри ёнидаги тош-шер.

Само гумбази билан мангуликдан қилар баҳс.  
Самарқанднинг қип-қизил шаробидан ҳар саҳар,  
Шафақ Алвандан туриб жоминг тўлдирмоқ бўлар.  
Валек тўнқарилган жом — тўлмайди, ҳамон бўм-бўш,  
Жаҳон номингдан тўлди,

ул жоми Жаҳон бўм-бўш.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида. *М. Ғаффорова таржимаси.* . . . 3

### Шеърлар

Орзу қаноти. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	5
Восе қатли. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	7
Маъшуқ тоғи. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	9
Шероз созлари. . . . .	11
Зоиндаруд. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	11
Теҳрон қизига. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . .	13
Қозоқ шеъри. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	15
Тожик тили васфида. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i>	16
Ишқ оташи. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	17
Кўнгил бўлгуси. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	18
Тонг чашмаси. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	19
Шўх жилға. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . .	20
Гул сотувчилар пири. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i>	21
Исфара. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . . .	22
Кетма, оққушим менинг! <i>М. Ғаффорова таржи-</i> <i>маси.</i> . . . . .	23

### Достонлар

Мен — Тожикистонман. <i>Нормурод Нарзуллаев</i> <i>таржимаси.</i> . . . . .	25
Днепр тўлқинлари. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . .	44
Нур қасидаси. <i>Назармат таржимаси.</i> . . . .	58
Сино бешиги. <i>М. Ғаффорова таржимаси.</i> . . . .	86

На узбекском языке  
„Библиотека Дружба“  
Поэзия народов СССР

Мумин Каноатов

НАША ПРАВДА

стихи, поэмы

Перевод с издания издательство „Ирфон“, Душанбе, 1975

Редактор *М. Жалилов*  
Рассом *А. Халиков*  
Расмлар редактори *А. Бобров*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 1603

Босмахонага берилди 05.03.81. - Босишга рухсат этилди 30.3.81.  
Формати 70×90<sup>1/2</sup>. Босмахона қоғози № 1. Мактаб гар-  
нитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 4,83+0,36 вкл. Нашр л.  
5,71 + 0,33 вкл. Тиражи 10000. Заказ № 413. Баҳоси 1с. 20 т. Гафур  
Ғулом (номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент,  
Навоний кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат Комитетининг Тошкент, „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқа-  
риш бирлашмасининг I-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.